Боқий фикр

*Биз бой ва қадимий тарихимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.*

Ислом КАРИМОВ

Kuch — bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT — XALQ ZIYOLILARI GAZETASI — معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2014-yil 5-aprel, shanba № 28 (8677)

# МИЛЛАТ ҚУДРАТИНИНГ ТИМСОЛИ

*9-aprel — Amir Temur tavallud topgan kun*



**Осмоннинг шарқий қопқаси сутдай оқарди. Қуёшнинг заррин нурларидан Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг кўркам ойналари ялтирайди. Азим ва навқирон Тошкент яна бир тонгни қарши олди.**

**Ўрнимдан тураману хона деразаларини ланг очиб юбораман. Тяньшан тоғларида қорларни ялаб ўтган, адирларда лолаю қизғалдоқларнинг атрига чайинган субҳидам сабоси димоқни қитиқлаб ўтади.**

Радио мурватини бурайман. Ундан майин мусиқа таралади ва шоирнинг Ватан ҳақидаги шеъри кўнгилни тўлқинлантириб юборади:

***...Надир миллат***
***қудратининг тамаддуни?***
***Амир Темур ҳайкалидан***
***сўранг буни.***
***От миндириб ким қайтарди***
***юртга уни?***
***Жаҳонгири бехонумон***
***юрт эди бу...***

Борлиғинг ҳам ғururга, ҳам сурурга, ҳам ўйга тўлади. Халқ ва миллат тамаддунига асос яратган, буюк Соҳибқирон авлоди эканингдан ифтихор этасан.

**(Давоми 7-бетда.)**

*Yilning eng yaxshi fan o'qituvchisi — 2014*

## ИЛҒОР ВА ИЖОДКОР ЎҚИТУВЧИЛАР ҒОЛИБ

**«Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2014» кўрик-танловининг ўзбек тили, немис тили, мусиқа, меҳнат таълими, иқтисодий билим асослари, тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари бўйича ғолиблари ҳам аниқланди.**

Қизғин баҳс-мунозара ва соғлом рақобат муҳитида ўтган беллашувда ташаббускор, изланувчан, ижодкор педагоглар сараланди. Якуний натижаларга кўра, мусиқа фанидан Сергели туманидаги 277-мактаб ўқитувчиси Раъно Худоёрова, меҳнат таълимидан Ҳамза туманидаги 244-мактаб ўқитувчиси Фотима Насруллаева, иқтисодий билим асослари фанидан Ғиждувон туманидаги 63-ИДУМ ўқитувчиси Жамшид Нарзиев, тасвирий санъат ва чизмачилик фанидан Яккасарой туманидаги 89-мактаб ўқитувчиси Елена Курамишана, немис тили фанидан Миробод туманидаги 60-мактаб ўқитувчиси Ева Мирзоева, ўзбек тилидан эса Қувасой шаҳридаги 1-ИДУМ ўқитувчиси Гулноза Рўзиева ғолибликни қўлга киритди.

— Бу йилги танловда иштирокчиларнинг фаоллиги ва ижодкорлиги сезилиб турди, — дейди Халқ таълими вазирлиги ходими Вафоқул Ҳотамов. — Айниқса, уларда илғор педагогик ҳамда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш салоҳияти ошгани қувонарли. Мисол учун, иқтисодий билим асослари фанидан иштирок этган бухоролик ўқитувчи Жамшид Нарзиевнинг «Учликлар схемаси» усули мутахассислар эътиборини тортди. Методнинг афзаллиги шундаки, ҳар бир дарсни, мавзуларни турли иқтисодий тизимлар хусусиятидан келиб чиқиб баҳолаш ва шу орқали мамлакатимиз иқтисодини ривожланган давлатлар иқтисодиёти билан солиштириш имконияти пайдо бўлади.

**Назокат ХОЛМЕТОВА,**
**Феруза ХОЛМУРОДОВА,**
**«Ma'rifat» мухбирлари**

# КИТОБ–ОФТОБ

## *ҳар бир мурғак қалбга нур олиб киради*




***Республика болалар кутубхонаси гавжум. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, нашриёт-матбаа корхоналари вакиллари, кутубхоначилар, педагоглар, ота-оналар ва ўқувчилар бу ерга 2 апрель — Халқаро болалар китобхонлиги куни муносабати билан йиғилдилар.***

Дастлаб иштирокчилар китоблар кўргазмасини кўздан кечиришди. Шундан сўнг бу санага бағишлаб "Болалар китоби — соғлом бола маънавияти асоси" мавзусидаги илмий-амалий конференция бошланди. Унда болалар китобхонлигини оширишнинг самарали йўллари, соғлом бола маънавиятини шакллантиришда китобнинг ўрни, болаларбоп адабиётларни улар дидига мос дизайнда нашр этиш мавзулари муҳокама қилинди.

*2014-yil — Sog'lom bola yili*

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, фуқаролар маънавий оламини бойитишга хизмат қиладиган соҳа — кутубхоначилик тизими янгидан ислоҳ этилиб, болалар адабиётига эътибор янада кучайтирилди. Бу саъй-ҳаракатлар «Соғлом бола йили»да ҳам изчил давом эттирилиб, ўғил-қизларнинг ўсиб бораётган қизиқиш ва эҳтиёжларини қондириш учун зарурий шароит яратилмоқда.

**(Давоми 5-бетда.)**

# КАСБИЙ МАҲОРАТ САБОҚЛАРИ

## *республикамизнинг чекка мактабларигача етиб боради*

***Ҳар қандай ташаббус, янгилик кўзланган самара бериши мутахассислар маҳорати, билим ва тажрибасига боғлиқ. Президентимизнинг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтарди.***

Қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда умумтаълим мактабларида чет тилларни бошланғич синфдан бошлаб ўқитишда педагогларнинг касбий малакасини ошириш зарурати юзага келди. Жумладан, 2013-2014 ўқув йилида 1-синф ўқувчиларига чет тиллар ўйин тарзидаги дарслар ва оғзаки нутқ машғулотлари орқали ўргатила бошлади. Янги ўқув йилидан эса, қарорда белгиланганидек, 2-синфдан алифбо, ўқиш ва грамматика босқичма-босқич ўргатиб борилади. Бу, ўз навбатида, умумтаълим муассасаларининг чет тили ўқитувчиларининг касбий малакасини оширишни талаб этади. Айни кунларда педагогларни янги яратилган «Kids' English 2» дарслик мажмуасидан фойдаланиш методикаси билан таништириш мақсадида малака ошириш курслари ташкил этилмоқда.

Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида 28 март—3 апрель кунлари "Бошланғич синфларда чет тилини ўқитиш методикаси" мавзусида махсус тренерлар тайёрлаш ўқув курси ўтказилди.

— Бир ҳафта давом этган 36 соатлик машғулотда вилоятлардан саралаб олинган 184 нафар чет тили ўқитувчиси иштирок этди, — дейди институт ректори Мақсуджон Йўлдошев. — 2-синф дарслик мажмуаси асосида чет тилини ўргатишда педагогик, инновацион ва ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш бўйича тренерларнинг касбий маҳорати оширилди. Бу жараён узлуксиз давом эттирилади ва мазкур курсда малака оширган ўқитувчиларимиз апрель-июль ойларида ўз вилоятларида ташкил этиладиган ўқув-семинарларида тренерлик қилишади.

Ўқув курси давомида иштирокчиларга бошланғич синфларда чет тилларни ўргатишда ёзиш, ўқиш, тинглаб тушуниш ва гапириш кўникмаларини шакллантириш методикаси, дарсни тўғри режалаштириш ҳамда дидактик материалларни қўллаш усуллари ҳақида кенг маълумотлар берилди.

— Махсус курс янги педтехнология ва методлар асосида ўтилгани биз педагоглар учун жуда фойдали бўлди, — дейди Самарқанд шаҳридаги 6-умумтаълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси Нодир Солиев. — Ўрганганларимизни ўз вилоятимизда ташкил этиладиган ўқув-семинарларида ҳамкасбларимизга ўргатамиз. Бир сўз билан айтганда, ҳафта давомида олган билимларимиз республикамизнинг чекка-чекка ҳудудларидаги мактабларгача етиб боради.

**Гулюз ОРИФЖОНОВА,**
**"Ma'rifat" мухбири**

# КИЧКИНТОЙЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОР

**Мактабгача таълим муассасалари ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш республика ўқув-методик марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.**

Унда мазкур қўмитанинг болаларни мактабгача таълим муассасаларига жалб этишнинг ҳолати ва истиқболларига оид қарори ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ахбороти эшитилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А.Маматов, Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Б.Дониёров ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда моҳиятан янги мазмунга эга бўлган таълим тизими яратилиб, у жаҳонда ёш авлодга билим ва тарбия беришнинг «ўзбек модели» сифатида юксак эътироф этилаётганини таъкидлади.

Ислоҳотлар жараёнида мактабгача таълим муассасалари тизимини ривожлантириш, болаларни уларга кенг жалб этиш ва ўқишга тайёрлаш юзасидан бир қатор инвестицион лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ушбу бўғиндаги таълим-тарбия масканларида инновацион ва тажриба-синов ишлари сезиларли даражада кучаймоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурига асосан мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник таъминотини янада яхшилаш, болаларнинг қобилияти, психологик ва жисмоний ривожланишига ижобий таъсир кўрсатувчи ўқув-кўргазмали қуроллар, ўйинчоқларни жойларга етказиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Болажон» маърифий дастури кичкинтойларни саводга тайёрлаш, нутқини ўстириш, гигиеник кўникмаларини шакллантириш билан бирга тасвирий санъат, мусиқа саводхонлиги, маънавиятини юксалтириш, Ватанни севиш, ижодий-интеллектуал салоҳиятини муттасил ривожлантириб бориш бўйича интеллектуал ўйинлар билан бойитилди. Ўйинчоқларни яратиш бўйича бадиий кенгаш ташкил этилди, рационал овқатланишни молиялаштиришга оид ишлар тобора такомиллаштирилмоқда.

Йиғилишда болаларни мактабгача таълим масканларига жалб этишга оид ишларни янада кучайтириш, бунда вазирлик ҳамда ҳокимликлар томонидан амалий чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, таълимнинг ушбу бўғинида чет тилларни ўқитиш, мусиқа, расм, жисмоний тарбия ва спортга оид машғулотлар учун қулай шароит яратиш масалалари хусусида атрофлича сўз юритилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

# БИТИРУВЧИ ИШЛИ БЎЛДИ

**Самарқанд шаҳар ҳокимлиги, прокуратураси, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва бандликка кўмаклашиш маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши ҳамкорлигида шаҳардаги таянч тиббиёт касб-ҳунар коллежида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Унда 87 та корхона ва ташкилот 1127 та бўш, 2700 та квота иш ўринлари билан иштирок этди.**

## *Bo'sh ish o'rinlari yarmarkasi*

Ярмарканинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар юртимизда ёшларга яратилаётган шароит ва имкониятлар, уларга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик хусусида сўз юритишди. Ярмаркада айни жиҳатлар инобатга олиниб, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини мутахассислиги, лаёқати ва иқтидорига қараб ишга кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилди. Касб-ҳунар коллежларининг ярмаркада иштирок этган 642 нафар битирувчиси корхона-ташкилотлар таклиф қилган бўш ва квота иш ўринлари билан танишиб, ўзларига муносибларини танлаш имконига эга бўлишди.

— Корхонамизда ёш мутахассисларга алоҳида эътибор қаратилади, — дейди ярмарка иштирокчиси, «Самарқандавтотеххизмат» ОАЖнинг маънавият ва тарғибот масалалари бўйича мутахассиси Рашид Қаршибоев. — Шу боис вилоятдаги автомобилсозлик йўналишидаги касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорликда ўқув амалиётларини ўтказиш бўйича самарали фаолият олиб бораяпмиз. Амалиётда энг яхши мутахассислар сараланиб, корхонамизда иш фаолиятини бошлайди. Жорий ўқув йилида Самарқанд автомобилсозлик коллежи битирувчиларидан саккиз нафари билан уч томонлама шартнома тузилди. Бугунги ярмаркада ҳам ўнга яқин бўш ва квота иш ўрни билан қатнашаяпмиз.

**Ҳаким ЖЎРАЕВ,**
**«Ma'rifat» мухбири**

*2014-yil — Sog'lom bola yili*

# КИМ, ҚАЕРДА НИМА ЎРГАНМОҚДА?

**Президентимиз раҳнамолигида Ўзбекистон эришаётган, жаҳон ҳамжамияти кенг эътироф этган улкан ютуқларнинг асосий омили инсон ва унинг манфаатларидир.**

Мамлакатимиз таълим тизимидаги миллий модел билим беришни сифат ва мазмун жиҳатидан янада такомиллаштириш, ҳаётда ўз фикри, қатъий позициясига эга, мустақил фикрлайдиган баркамол шахсларни тарбиялашдек эзгу мақсадга йўналтирилгани билан халқаро миқёсда алоҳида эътирофга сазовор бўлмоқда. Бу борада ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтини тўғри ва мазмунли ташкил этиш, турли тўгаракларга жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Жиззах шаҳридаги 2-умумтаълим мактабида турли йўналишда фаолият юритаётган 23 тўгаракка 458 ўқувчи мунтазам қатнайди. 50 нафардан зиёд ўқувчи мактаб жойлашган "Олмазор" маҳалла фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган кураш ва бокс тўгарагида шуғулланади, яна 40 нафарга яқини шаҳар "Баркамол авлод" марказига, мусиқа ва санъат мактабларига, спорт тўгаракларига жалб этилган.

Маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни ўрганиш бўйича тузилган комиссия маълумотларига кўра, бундай тўгаракларга бормайдиган ўқувчилар ҳам дарсдан бўш вақтини бекор ўтказмайди. Вилоят ахборот-ресурс марказининг китобхонларни қайд этиш дафтарчасида мактабнинг юз нафардан ортиқ ўқувчисининг исм-фамилиясини учратиш мумкин.

— Ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун турли тадбирлар режаси ишлаб чиқилган, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Офтобой Нишонова. — Аслида, бола ҳар қандай тўгаракка ҳам боравермайди. Бунинг учун тўгарак қизиқарли машғулотларни таклиф этиши керак.

Ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган бугунги даврда болаларнинг интернетга киришини чеклаб бўлмагани каби уларнинг нимани ўрганаётганини ҳам тўлиқ назорат қилиш осон эмас. Ёшларни интернет тармоғи орқали кириб келаётган бузғунчи ғоялардан, "оммавий маданият" таъсиридан ҳимоя қилишнинг тўғри йўли уларнинг интернет саводхонлигини ошириш, ижтимоий ҳаётдаги ўрни ҳақидаги тушунчаларини бойитишдир.

— Мактабимизда ташкил этилган компьютер тўгарагида интернет тармоғидан тўғри фойдаланиш бўйича кенг тушунча берилаётир, — дейди мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Тожиқул Ҳусанов. — Тўгарак дастури мавжуд қўлланмалар доирасида эмас, балки болаларнинг қизиқиши ҳисобга олинган ҳолда тузилгани уларнинг машғулотларга иштиёқини оширмоқда.

Мактабда бошқа йўналишлар бўйича ҳам тўгараклар мунтазам йўлга қўйилган. Энг кўп бола спорт тўгаракларига қатнайди. Мактабда спортнинг етти, маҳалла фуқаролар йиғини қошида икки тури бўйича тўққиз тўгарак фаолият олиб боради. Уларга 200 нафардан зиёд ўқувчи жалб этилган. Бу тўгараклар ишининг самараси маҳалла ёшларининг шаҳар, вилоят ва мамлакат миқёсидаги мусобақаларда эришаётган натижаларида ўз ифодасини топмоқда.

— Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга шундай тизимли ёндашув фуқаролар йиғини, таълим муассасаси ва бошқа жамоат ташкилотларининг ёшлар тарбиясидаги фаолиятини мувофиқлаштириш имкониятини бераётир, — дейди "Олмазор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Норбуви Шамшиева. — Хонадонлардаги муҳитни ўрганиш давомида кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилиб, бу хонадонлардаги ўқувчилар турли тўгаракларга жалб этилди. Айни пайтда ҳудуддаги битта интернет-кафе ва битта компьютер ўйинлари шохобчаси фаолияти ўрганилиб, уларни ўқувчиларнинг бўш вақтини янада мазмунли ўтказадиган масканга айлантириш юзасидан таклифлар берилди.

Айрим интернет-кафеларнинг фақат тижорат мақсадини кўзлаб, болалар тарбиясини эътибордан қочираётгани жамоатчилик эътирозига сабаб бўлмоқда. Болаларнинг ёши ва миллий қадриятларимизга тўғри келмайдиган компьютер ўйинлари ўйнашга йўл қўйилаётган ҳолатлар аниқланиб, тегишли чоралар кўрилаётир.

Вилоятда Соғлом бола йилида ҳам бу йўналишдаги ишларни янада яхшилаш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2014 йилда бешта туманда "Баркамол авлод" болалар маркази биноларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш режалаштирилган.

**Тошқул БЕКНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири**

2014-yil 5-aprel, № 28 (8677)

*Tajriba, sinov, natija*

# ИЛМДАН АМАЛИЁТГА

## айнан шу тамойилга таяниб ишлаётган тарих фани ўқитувчиси яратган «Археология» виртуал-музейи ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда

**Бегзод Хўжаев Шаҳрисабз туманидаги 3-мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ ўқитувчи бўлишни орзу қиларди. Ана шу хоҳиш уни Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетига етаклаб келди. Тарих факультетидаги таҳсил давомида Бегзод олис ўтмиш қатидаги сир-синоатни ўрганиш баробарида, ўқитувчиси, профессор Аноргул Калдибекова бошчилигида «Тарих дарсларида ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш йўллари» мавзусида илмий изланиш олиб борди. Ундаги ғайрат-шижоат, интилувчанлик ўз устида тинимсиз ишлашга, тарих фани, уни ўқувчига ўргатиш илмини пухта эгаллашга ундарди. Меҳнатлари эвазига 2003 йили педагогика фанидан республика олимпиадаси ғолиби, 2004 ва 2006 йилларда эса Президент стипендияси совриндори бўлди. Илмий-тадқиқотчилик истагида аспирантурага ўқишга киргач, чинакамига тадқиқотчилик оламига, тарих фанини ўрганиш самарадорлигига таъсир этувчи янги метод ва усулларни яратиш мақсадида изланиш уммонига шўнғиди.**

2007 йилдан «Умумтаълим мактаби ўқитувчиларининг мустақил фикрлашини шакллантиришнинг дидактик асослари» (5—7-синф тарих дарслари мисолида) мавзусида илмий-тадқиқот ишини бошлади. Тошкент шаҳри ва вилоятидаги бир қанча, шунингдек, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманидаги 3- ва 100-мактабларда тажриба-синов амалиётларини ўтказди. Бу жараёнда унга Сергели туманидаги 266-мактабда тарих фанидан дарс бераётгани жуда қўл келди. Доим амалиётчи-ўқитувчилар орасида эканлиги бугунги тарих ўқитувчиси учун қандай методика зарурлигини англашига табиий шароит ва муҳит яратди. Уни айрим педагогларнинг айнан тарих фанига мослаштирилмаган инновацион шакл ва методлардан мавзу мақсади ва имкониятларини яхши тушунмаган ҳолда фойдаланишлари ўйлантирарди.

Б.Хўжаев илмий изланишлари натижасида «Ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш йўллари» ва «Ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантириш йўллари» деб номланган услубий қўлланма яратди. Унда юқоридаги каби ҳолатларни бартараф этишга хизмат қилувчи, айнан тарих дарсида қўллашга мўлжалланган интерфаол методлар, жумладан, график органайзерлар, диаграммалар, ижодий тестлар, ҳикояларни қиёслаш, «Мен археолог», «Мен этнограф» каби ўйинлар ташкил этиш ва ўтказиш каби методларини ёритиб берди. Ўрганиш босқичидаги ҳар бир дақиқани аниқ мақсадли ва натижавийлик тамойилларига асосланган ҳолда ўтказиш механизмини таклиф этди. Унга кўра, ўқитувчи дарснинг ҳар бир қисмида ўз олдига аниқ мақсад қўйиши ва унга эришиш натижасида ўқувчида қандай янги билимларнинг юзага келишини олдиндан режалаштириши керак. Унинг таклиф этган механизми асосида дарс ўтилганда ўқувчилар тахминий эмас, балки мавзуга оид аниқ ва батафсил билимга эга бўлади.

2009 йили муваффақиятли ҳимоя қилинган тадқиқот иши ZiyoNET тармоғи орқали республикамиз умумтаълим мактабларида оммалашган бўлса, услубий қўлланма ва унинг электрон шакли ҳам тарих фанини ўқитиш борасида янги методикага эҳтиёж сезаётган кўплаб педагогларга асқотди. Келинг, шундай ўқитувчилардан бири Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги 34-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Баян Абдураҳмонованинг фикрларини тинглаймиз:

— Методик захирамни бойитиш мақсадида услубий қўлланмалар, тарих фанини ўқитишга доир янги педтехнологиялар билан мунтазам танишиб бораман. Бегзод Хўжаев томонидан яратилган «Ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш йўллари» ва «Ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантириш йўллари» номли услубий қўлланмалардаги интерфаол методлар, фаоллаштирувчи дидактик ўйинлар, шунингдек, тарих фанида қўллашга мўлжалланган ижодий тестлардан мунтазам фойдаланиб келаман. Масалан, «График органайзерлар» туркумига кирувчи «Т чизма»ни олайлик. Мазкур чизма «Т» ҳарфи шаклини эслатганлиги боис шундай аталади. 7-синф «Ўзбекистон тарихи» дарслигидаги «Хоразмшоҳлар давлати» мавзусида дарснинг мустаҳкамлаш босқичида шу чизмадан фойдаланиш мумкин. Масалан, «Хоразмшоҳнинг мудофаа режаси»ни «тарафдор» ва «қарши» тамойилига асосланиб ўқилгандан сўнг, бир жуфт ўқувчи қуйида келтирилганидек, Т чизмани тузиш ва беш дақиқадан кейин чизманинг чап томонида Хоразмшоҳлар давлатининг сақланиб қолиши учун мавжуд имкониятларни ёзиши керак. Сўнг яна беш дақиқа ичида бу фикрга қарши сабабларни кўрсатиши лозим. Улар яна беш дақиқа мобайнида ўз чизмаларини бошқа жуфтлик чизмалари билан таққослашлари мумкин. Ўқитувчи чизмадаги иккита устунда мавзуга оид муҳим фикрларни қуйидагича ифодалайди.

| Xorazmshohlar davlatining saqlab qolinishi uchun mavjud imkoniyatlar | Xorazmshohlar davlatining yengilish sabablari |
|---|---|
| Xorazm davlati ko‘p sonli turkiy gvardiya va yaxshi qurollangan ko‘ngillilar lashkariga ega edi. Mamlakatda qamal qurollari va ularni ishlatishni yaxshi biladigan mohir sarbozlar ko‘p edi. Askarlarning umumiy soni jihatidan ham Xorazmshoh birmuncha ustunroq edi. | Podshoh bilan mansabdorlar o‘rtasidagi kelishmovchiliklar. Podshoh bilan sarkardalar o‘rtasidagi ixtiloflar. Kengashda dushmanga qarshi zarba berishning yagona rejasi yakdillik bilan belgilab olinmaganligi. Urushda qo‘shinni tarqatib yuborib, tarqoq mudofaa taktikasi qo‘llanganligi. |

Мазкур чизмадан фойдаланганимда ўқувчиларимдан қизиқарли фикрлар, ғоялар чиқишини кутмагандим. Улар мавзуни шу қадар берилиб ўрганишдики, иккинчи устунни тўлдириш чоғида айтилган баъзи таклифлар орасида, ҳақиқатан ҳам, муаммонинг ечими бўла оладиган, эътиборли фикрларни эшитдим. Шундан буён мазкур чизмадан дарсимда мунтазам фойдаланиб келаман.

Тадқиқотчи тарихий хариталар билан ишлаш борасида ҳам педагогларга яхши тажрибаларни таклиф этган. Масалан, мавзули хариталар билан ишлашда «Бир-биридан сўраш» методи яхши натижа беради. Икки ўқувчи «XII—XVI асрлардаги маданият марказлари» деб номланган харитани ўрганади ва бир-бирига ўрганганлари хусусида навбат билан савол беради. Дастлаб ўқитувчи ўз мисоли орқали жуфтликларда қандай ишлаш



кераклигини кўрсатиб, ўқувчиларни жуфтликларга бўлади ва улардан бир-бирига савол беришни сўрайди. Ушбу методни бутун синф билан ишлашда ҳам қўллаш мумкин. Бунинг учун барчага аниқ далилларни билишни эмас, балки уларнинг моҳиятини тушунишни талаб этадиган бир нечта саволлар берилади.

Ўқувчилар харитадан фойдаланиб, нафақат аниқ маълумот олишади, балки ўрганилаётган материални чуқур таҳлил этиб, мустақил фикрларини ҳам баён этадилар. Уларга бу ишда «**Беш минутлик эссе**» ёзиш ҳам қўл келиши табиий. Ёзма топшириқнинг бу тури ўқувчиларнинг мавзуга доир фикрларини харитадан фойдаланган ҳолда ифодалашига ёрдам беради. Ўқитувчига эса ўқувчилар харита билан ишлаганда, қайси жиҳатларига кўпроқ эътибор бериши лозимлиги хусусида эслатади. Бунда ўқувчилар мавзу бўйича харитадан нималарни ўрганганини мустақил баён этиш, ўзи жавобини билолмаган бирор савол бериши сўралади.

Шундай интерфаол методлардан яна бири «Чалкаштирилган мантиқий занжирлар кетма-кетлиги»дир. 6-синфда тарих фанидан «Тош даври ёдгорликлари» мавзусини ўтаётганда бу методдан фойдаланиш яхши самара беради. Дастлаб ўқитувчи доскага тош даври ёдгорликларини аралаш ҳолда ёзиб қўяди. Сўнг ўқувчидан уларнинг қайси даврга оидлигини харитадан қараб белгилаб чиқишни сўрайди.

Натижада уларнинг дафтарида қуйидагича кўриниш ҳосил бўлади:

1. Жонбос-4.
2. Хўжакент.
3. Боми.
4. Жойтун.
5. Қорабура.
6. Зарафшон.
7. Қайроққум.
8. Тузкон.
9. Тешиктош.
10. Қават.

Ўқувчилар топшириқни бажариб бўлгач, ўқитувчи тарихий ёдгорликларни кетма-кетликда ёзиб, уларнинг бирини вараққа қайд этади. Варақлар аралаштирилади ва бир ўқувчидан ушлаб туриш

| Paleolit | Joytun | Kaltaminor |
|---|---|---|
| Xo‘jakent | Bomi | Jonbos-4 |
| Zarafshon | Joytun | Tuzkon |
| Qayroqqum | | Qavat |
| Qorabura | | |
| Teshiktosh | | |

сўралади. Ўқувчилар навбат билан чиқиб, бир воқеани занжирдаги тўғри ўринга қўйишди. Ҳамма ягона фикрга келгач, ўқитувчи тахминлари тўғри ёки нотўғри эканлигини текшириш учун улардан матнни ўқиш чоғида воқеалар тартибига эътибор қаратишни сўрайди.

Гувоҳи бўлганимиздек, ўқувчилар харита билан ишлаш орқали тарихий материални юзаки ўзлаштирмай, энг оддий унсурларигача тадқиқ этади. Танқидий нуқтаи назардан ёндашиб, чуқур таҳлил қилади, ўзининг шахсий фикрини баён этади. Энг муҳими, бу жараён ўқувчиларнинг мустақил фикрлашига туртки беради.

Сергели туманидаги 266-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Зуҳра Умарова эса тадқиқотчи томонидан амалиётга тавсия қилинган «Ноаниқ харита», «Керакли жойга қўйинг», «Хариталар ва саналар», «Улар қаерда яшашган?» каби дидактик ўйинларни мунтазам қўллаб келади. Бу тарих фанига қизиқиши бўлмаган ўқувчини ҳам фаоллаштириб, ўз устида мустақил ишлаш, саволларга жавоб топиш мақсадида тарихий мавзудаги адабиётларга мурожаат қилишига сабаб бўлмоқда. Дарвоқе, шу ўқитувчи Бегзод Хўжаевнинг айни пайтда тайёрланаётган докторлик тадқиқот ишидаги «Археология» номли виртуал музейни тажриба-синовдан ўтказмоқда. Мазкур электрон восита Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги «Археология» музейи материаллари асосида яратилган бўлиб, тарих, миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Ватан туйғуси, география дарсида кўргазмалилик ва интерфаолликни таъминлашга хизмат қилади. Унда маълум даврларга тегишли экспонатлар ҳақидаги маълумотни ўқувчи аудиовизуал, яъни тасвир ва овоз уйғунлигида олади. Мос саҳифалардан педагог янги мавзуни ўтаётганида самарали фойдаланиши мумкин. Қулайлиги шундаки, чекка туман ва қишлоқ ўқувчиси ҳам бир соатлик тарих дарсида пойтахтда жойлашган музей билан танишиш имконига эга бўлади. Бошқа томондан, виртуал музей — ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотувчи кўргазмалар манбаи уларнинг илмий ва маънавий дунёқарашини ҳам бойитади. Қолаверса, виртуал музей экспонатларни сақлаш, ҳимоялаш, тез ва осонлик билан кенг оммага тақдим этиш имконини ҳам яратади. Ўқитувчи 6-синф ўқувчиларига «Ўрта Осиёдаги илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши» мавзусини ўтадиган бўлса, виртуал музейнинг қидирув саҳифасидан археологик топилмалар йўналишида илк шаҳарлар кўриниши ёки мазкур шаҳарлардан топилган археологик топилмаларни излаши ва намойиш этиши мумкин. Виртуал музейда «Археологик ёдгорликларда амалга оширилган қидирувлар», «Археолог олимлар» каби бўлимлар мавжуд бўлиб, ўқувчилар дарсликдан ташқари қўшимча маълумотларга ҳам эга бўлишлари, жумладан, виртуал саёҳатни амалга оширишлари мумкин.

Тадқиқотчи Бегзод Хўжаев бундай аудиовизуал кўргазма намойишидан сўнг ёзма ижодий ишлар, масалан, археологик ёдгорликларга тавсиф ёзиш, ўқувчиларнинг музей материаллари билан ишлашини ташкил этиш бўйича зарур ва қизиқарли амалий таклифларини баён этган. Замонавий ахборот технологияларига асосланган мазкур лойиҳа пойтахтимиз ва вилоятлардаги бир қанча умумтаълим мактабларида тажриба-синовдан ўтказилаяпти. Ишонамизки, тез орада амалиётга муваффақиятли жорий этилгач, педагогларимиз тарих фанини ўқитиш методикасида яна бир янги ва қулай манбага эга бўлишади.

**Зебо НАМОЗОВА,**
**«Ma’rifat» мухбири**

2014-yil 5-aprel, № 28 (8677)

## Yangiliklarda yurt nafasi



**Фарғонада «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси юзасидан "Соғлом оила — фаровон жамият асоси" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

Фарғона вилояти адлия, халқ таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари масъул ходимлари, шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталари раислари иштирок этган тадбирда соғлом оилани қарор топтириш, эрта турмуш қуриш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш масалалари ҳақида сўз юритилди.

— Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, тиббий маданиятни юксалтириш ва ёшларнинг никоҳга оид тушунчаларини кенгайтиришда бундай тадбирларнинг аҳамияти катта, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг вилоят бўлими бош мутахассиси Дилором Ғафурова. — Бугунги тадбирда ҳам маҳалла фаолларининг бу борадаги вазифаларига алоҳида эътибор қаратилди.

**Адлия вазирлигида ёш ҳуқуқшуносларнинг адлия органларининг қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш борасидаги фаолияти ҳақидаги билимини бойитишга қаратилган мулоқот бўлиб ўтди.**

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосари А.Усмонов, Тошкент юридик коллежи директори Н.Темирова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларнинг интеллектуал салоҳиятли, маънавий баркамол, жисмонан соғлом бўлиб вояга етишига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада дастуриламал бўлмоқда.

Тадбирда Тошкент юридик коллежи ўқувчиларига адлия органлари томонидан иқтисодий, идоравий, жиноий, маъмурий, ижтимоий қонун ижодкорлиги йўналишида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, ҳуқуқий тарғибот, қонунлар мазмун-моҳиятини тарғиб этишда "LexUz" миллий базасининг ўрни, юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишдаги қонунчилик талаблари ҳақидаги саволларга мутахассислар томонидан жавоб қайтарилди.

**Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикасининг "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида" ва "Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида"ги қонунлари ижроси, шунингдек, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳаларини малакали мутахассислар билан таъминлаш масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

Тадбир Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси, "Ўзстандарт" агентлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Илмий-амалий конференциянинг ўтказилиши яқин кунларда "Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида"ги қонун кучга кириши, шунингдек, "Ўзстандарт" агентлигида табиий газни таҳлил қилиш мосламаларини текшириш бўйича янги лабораториянинг ишга туширилиши билан ҳам боғлиқдир.

Тадбирда соҳа учун малакали мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасига оид ҳужжатлар ўрганилиб, таҳлил қилинадиган, хавфсизлик ва сифатнинг мақбул параметрлари белгиланадиган технопарк фаолияти ижобий баҳоланди.

**«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси босма оммавий ахборот воситаларини тарқатиш тизимини такомиллаштириш, обуна баҳосини камайтириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш масаласига бағишланган матбуот анжумани ўтказди.**

Тадбирда 2014 йил учун ишлаб чиқилган обуна каталоги кўплаб ижтимоий аҳамиятга эга ва болалар учун мўлжалланган нашрларнинг обуна баҳоси ошишининг олдини олгани қайд этилди. Компаниянинг обуна ҳужжатларини қабул қилиш ва уларга ишлов бериш, нашрларни манзилга етказиб бериш тарифлари, шунингдек, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг даврий нашрларни вилоят марказларига етказиб бериш тарифлари ўтган йилги даражада сақланиб қолган.

Компания обуначиларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида реал вақт режимида тарқатилаётган даврий нашрлар билан танишиш, газета ва журналларга обунани расмийлаштириш имконини берадиган дастурий маҳсулотни жорий этди. Ушбу онлайн хизматдан www.akmt.uz манзилида фойдаланиш мумкин. Шу манзилнинг ўзида обунани расмийлаштириш тартиби, нашрлар адади ҳақидаги маълумотлар ҳам мавжуд.

**ЎзА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.**

## Беш жилдлик антология тақдимоти

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида "Озод Ватан саодати" деб номланган беш жилдлик Мустақиллик адабиёти антологияси тақдимоти бўлиб ўтди.**

Миллий адабиётимизни янада ривожлантириш, унинг равнақига муносиб ҳисса қўшган адиб ва шоирларимиз ижодини кенг тарғиб этиш, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, сара асарларни чоп этишни кенгайтириш мақсадларига қаратилган тадбирда ижодкорлар, адабиётшунос олимлар қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ушбу антологиянинг яратилиши адабиётга, ижод аҳлига берилаётган эътиборнинг яна бир намунаси эканини таъкидладилар.

— Йилдан-йилга адабиёт олами бойиб бормоқда, — дейди академик Бахтиёр Назаров. — Бу антология узоқ изланишлар, тинимсиз меҳнат маҳсули. Тўпламдан ўрин олган ҳар бир асар ижодкорнинг ўзига хос услубини намоён этиб туради. Унда навқирон авлод вакилларининг ижод намуналари ҳам ўрин олгани қувонарли.

Ушбу беш жилдлик антология уюшманинг «Адиб» нашриёти томонидан чоп этилди.

**Олим ЖУМАБОЕВ**

## Тарихий обидаларга саёҳат

**Самарқанд вилоятида "Соғлом бола йили" Давлат дастури асосида бир қатор хайрли тадбирлар амалга ошириляпти.**

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги ҳамда "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида "Аждодлар тарихини ўрганамиз" шиори остида бир кунлик хайрия тадбири — Самарқанд шаҳрига саёҳат ташкил этилди.

Тошкент шаҳридан ташриф буюрган 9 ёшдан 17 ёшгача бўлган жами 45 нафар ногирон, боқувчисини йўқотган болалар, кам таъминланган оилалар фарзандлари, меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари Регистон майдони, Амир Темур мақбараси, Шоҳи Зинда мажмуаси, Мирзо Улуғбек расадхонаси каби тарихий обидалар ҳамда Самарқанд ўлкашунослик музейида бўлишди. Аждодларимиз қолдирган улкан моддий ва маънавий мерос уларни ҳайратда қолдирди.

**Ҳаким ЖЎРАЕВ,**
**«Ma'rifat» мухбири**

## Хорижлик сайёҳлар – мактабда

**Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 270-умумтаълим мактабида ўтказилган "Ўлкамизга хуш келдинг, Баҳор!" мавзусидаги тадбирга АҚШ, Буюк Британия ва Ҳиндистондан келган сайёҳлар ташриф буюрди.**

35 йиллик иш тажрибасига эга инглиз тили ўқитувчиси Диёра Умарова тадбирни инглиз тилида ўтказиш таклифини билдирди. Ўқувчилар ўз саҳна чиқишларини тўлиқ инглиз тилида намойиш этдилар. 7-, 8-синф ўқувчилари Баҳорой, Деҳқонбобо, Момо Ер образини инглизча талқин қилдилар. Уларнинг ўзига хос чиқишлари, шеър ва қўшиқлари сайёҳларда катта таассурот уйғотди.

Тадбирда фаол иштирок этган ўқувчилар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Ҳасан МЎМИНОВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

## Бой адабий меросга эҳтиром

**Бу йил маърифатпарвар адиб Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудига 140 йил тўлади.**

Шу муносабат билан Ўзбекистон Фанлар академияси «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи ҳамда «Шаҳидлар хотираси» жамоат фонди томонидан «Маҳмудхўжа Беҳбудий меросининг миллий ғоя тарғиботидаги аҳамияти» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Дастлаб анжуман иштирокчилари «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида шаҳидлар хотирасини ёд этдилар.

Анжуманда муҳокама этилган мавзуларда қатағон қилинган ўзбек ёзувчилари адабий меросининг мустақиллик йилларида ўрганилиши, халққа қайтарилиши ва уларнинг миллий истиқлол ғояси тарғиботидаги аҳамияти, эрк ва ҳуррият ғоялари билан суғорилган асарларнинг ҳозирги даврдаги бадиий қиммати, уларнинг бугунги баркамол авлодни тарбиялашдаги аҳамияти ўз аксини топди.

Анжуманда мустақиллик йилларида Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг танланган асарлари уч марта чоп этилгани, адиб ҳақида кўплаб илмий рисола ва мақолалар эълон қилингани хусусида фикр юритилди.

**Назокат ХОЛМЕТОВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

## Истиқлолга ҳамроз мунаққид

**«Turon» ахборот-кутубхона марказида Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос Озод Шарафиддинов таваллудининг 85 йиллиги муносабати билан "Истиқлолга ҳамроз мунаққид" деб номланган адабий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Мазкур тадбир "Китобхонлик байрами" доирасида ўтказилди.**

Тадбирда таржима борасида Озод Шарафиддиновнинг жонкуярлиги, адабий мероси, шунингдек, ёшларни китобга жалб этиш, кутубхона фондини бойитиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида фикр юритилди.

— Домла Озод Шарафиддинов доим «Turon» кутубхонасида ўтказиладиган маърифий тадбирларга бош-қош бўлар эди, — дейди ёшлар билан маънавий-маърифий ишлар олиб бориш шуъбаси мудири Дилфуза Турсиматова. — Ўқув залларида шоир ва ёзувчилар, адабиётшуносларнинг адабий баҳсларини устозсиз тасаввур ҳам қила олмасдик. Бугунги ёшлар ҳам таниқли ижодкорлар билан учрашишга эҳтиёж сезади. Ушбу тадбир ҳам шу мақсадда уюштирилди.

**Давронбек РАЖАБОВ**

## Тарбияга замонавий ёндашув

**Юнусобод туманидаги 511-МТМда "Мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия сифат ва самарадорлигини оширишда замонавий ёндашув" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Семинарда МТМларда болаларни соғломлаштириш ва овқатланишни тўғри ташкил этиш бўйича маърузалар тингланди.**

— Мазкур семинар тарбиячиларга амалий ёрдам сифатида ташкил этилди, — дейди Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш республика ўқув методика маркази директори Малоҳат Аъзамова. — Иштирокчилар нутқ ўстириш, экология, тасвирий фаолият бўйича ўтказилган ноанъанавий машғулотларни кузатиб, билимларини бойитишди. Машғулотларда мультимедиа воситаларидан унумли фойдаланилди.

Семинар сўнгида машғулотлар хусусида фикр алмашилди, тажрибали педагоглар ёш тарбиячиларга маслаҳат беришди.

**Гулюз ОРИФЖОНОВА,**
**"Ma'rifat" мухбири**

# КИТОБ–ОФТОБ

## *ҳар бир мурғак қалбга нур олиб киради*



**(Давоми. Боши 1-бетда.)**

— Жорий йилда ёшларга оид бир қатор қонун лойиҳаларини тайёрлаш режалаштирилган, — дейди конференцияда сўз олган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ҳафиза Каримова. — Қонун лойиҳалари ёшлар онгига, маънавий дунёсига таҳдид солувчи салбий ҳолатларни бартараф этишга йўналтирилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Бу борадаги ислоҳотлардан яна бири "Миллий умумтаълим электрон кутубхона" лойиҳасининг амалга оширилишидир. Жанубий Кореянинг иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик жамғармаси молиявий кўмаги асосида тайёрланадиган ушбу лойиҳа босқичма-босқич ташкил этилади. Тадбирда болалар дидига мос насрий, назмий асарларни кўпроқ яратиш, халқ оғзаки ижоди намуналарига оид нашрларни сифатли чоп этиш тўғрисидаги таклиф-мулоҳазалар ўртага ташланди.

— Билимли ёшлар юртнинг эртаси ёруғ, келажаги фаровон бўлишини таъминлайди, — деди "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг бадиий адабиётлар бўлими мудири, болалар ёзувчиси Эркин Малик. — Фарзандларимизнинг китобга иштиёқини ўстириш учун оилада ота-она ибрат бўлмоғи лозим. Бу ҳақда кўп гапирамиз-у, амалда риоя қилавермаймиз. Агар ҳар бир ота-она ўз оиласида чоғроққина бўлса ҳам, кутубхона очса, бу муаммо ўз ечимини топган бўлармиди? Нашриётимизда ранг-баранг болаларбоп асарлар нашрга тайёрланаяпти. Ўтган йили 21 номдаги 150 минг нусха бадиий адабиёт нашрлари чоп этилди. Жорий йилда 30 номдаги китобни нашр қилиш мўлжалланмоқда.

"Ўзкитобсавдотаъминоти" МЧЖ томонидан ташкил этилган кўргазмада тенгдошлари билан бир-биридан бежирим, ранг-баранг китобларни томоша қилиб, варақлаб кўраётган 18-умумтаълим мактаби ўқувчиси Дилшода Мусаева шундай фикр билдиради:

— Китобларнинг кўплигидан хурсандмиз. Кутубхона сайти орқали керакли китобларни ўқишимиз мумкин. Бунинг учун вақт ва ҳафсала топсак, бўлгани. Кўргазмадан ўзимга ёққан китобларни харид қилдим.

Ушбу тадбирнинг Республика болалар кутубхонасида ўтказилиши бежиз эмас, албатта. Моддий-техник базаси мустаҳкамланиб бораётган бу зиё масканига тез-тез янги адабиётлар келтирилади. Бундан ташқари, китобхонлар билан деярли ҳар ҳафта маънавий-маърифий тадбир уюштирилади.

**Илҳом ЖЎРАЕВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

* * *

Олмазор туманидаги 249-умумтаълим мактабида туман ахборот-ресурс маркази билан ҳамкорликда Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган болалар адабиёти кўргазмаси ташкил этилди. Ўқувчилар, маҳалла фаоллари ва ота-оналар севимли эртак қаҳрамонлари акс эттирилган расмлар стенди ва "Китоб — бизнинг дўстимиз" мавзусидаги бадиий чиқишларга гувоҳ бўлдилар.

«Фарзандимга китоб совға қиламан» акцияси ота-оналар кайфиятига хушнудлик, болажонларга эса қувонч ҳадя этди. Бу кўргазмадаги адабиётларнинг тезда қўлма-қўл бўлиб кетгани, китоб қўлтиқлаган ўғил-қизларнинг юздан ҳам сезилди.

**Васила АЛЛАЕВА,**
**мактаб ўқитувчиси**



* * *

**Чилонзор туманидаги 173-умумий ўрта таълим мактабида «Китоб — маърифат йўлини ёритувчи маёқ» мавзусидаги тадбир «Ўзимдаги барча яхши фазилатлар учун китобдан миннатдорман» шиори остида тайёрланган саҳна кўриниши билан бошланди.**

Ўқувчилар томонидан китобнинг жамиятдаги ўрни, инсон тафаккурини бойитишдаги роли эпизодик лавҳаларда намойиш этилди. Шунингдек, бошланғич синф ўқувчилари ўртасида «Мен севган адабий қаҳрамон» мавзусида расмлар танлови ташкил этилди. Турли нашриётларнинг китоблари ўрин олган ярмарка ўқувчилар диққат-эътиборини тортди.

Тадбир якунида «Энг яхши китобхон ўқувчи», «Энг яхши нотиқ ўқувчи», «Энг яхши ижодкор ўқувчи», «Энг яхши шеърхон ўқувчи» номинациялари бўйича ғолибларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

* * *

**Пойтахтимиздаги 138-мактабда ўтказилган «Китоб — ақлга илм, қалбга маънавият» мавзусидаги тадбир ўқувчилар учун ҳақиқий китобхонлик байрамига айланди.**

Тадбирда ўқувчиларнинг ота-оналари ҳам фаол иштирок этди. Улар «Шарқ», «Янги аср авлоди», «Ўқитувчи», Ғафур Ғулом номидаги нашриётларда чоп этилган 50 номдаги қизиқарли китоблар ярмаркасида фарзандлари учун китоб харид қилишди.

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

* * *

*— Қат-Қат қатлама,*
*Ақлинг бўлса, ташлама.*
Ўқувчилар бирваракайига жавоб қайтаришди:
— Китоб, китоб...

79-умумтаълим мактабида ўтказилган "Китоб — тарбиянинг асоси" мавзусидаги тадбирга маҳалла фаоллари, ота-оналар ва нашриёт ходимлари тўпландилар. Ўқувчиларни китобга жалб қилиш, оилавий кутубхона ташкил этиш ва уни янги адабиётлар билан мунтазам бойитиб бориш, бугунги ахборот асрида ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

— Китоб кўрган бола уни варақлай бошлайди, — дейди оналардан бири Нодира Иброҳимова. — Унда ўқиш иштиёқи туғилади. Агар боланинг қизиқиши эътиборсиз қолдирилса, аста-секин сўнади. Болага китоб совға қилиш билан чекланмай, биргаликда мутолаа қилиш биз ота-оналарнинг севимли машғулотимизга айланиши керак. Китоб болани тарбиялайди, у ижобий қаҳрамонлардан ўрнак олади, салбий образлар ҳаётидан тегишли хулоса чиқаради. Бу эса фарзандимизнинг эзгу фазилатлар эгаси бўлиб улғайишида муҳим ўрин тутади.

Китоб ярмаркасида ота-оналар китоб харид қилиб, ахборот-ресурс марказига тақдим этишди. Мактаб китоб фонди бойиб, ўқувчилар янги адабиётларни ўқиш имконига эга бўлишди.



**Олим ЖУМАБОЕВ**

* * *

**Олмазор туманидаги 261-умумий ўрта таълим мактабида ташкил этилган китоб кўргазмаси ҳам ўқувчи ва ота-оналарга китобхонликнинг беқиёс тарбиявий аҳамиятини тарғиб-ташвиқ этувчи мазмунли тадбирлардан бири бўлди.**

— Ўқувчиларни китоб мутолаасига қизиқтиришда ўқитувчи ва ота-оналар билан биргаликда кутубхоначиларнинг ҳам ўрни беқиёс, — дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Малика Мўминова. — Кутубхона ходимлари синфларга кириб, болаларни янги келтирилган китоблар билан таништириб борадилар.

Мактабнинг 3-«А» синфида таълим олаётган Шаҳризода Анварова ва 1-«Б» синф ўқувчиси Робиябону Эргашева ота-онаси совға қилган китобчаларни олиб, варақлашга тушдилар.

* * *

Шайхонтоҳур туманидаги 20-мактаб кутубхонаси мудири Шаҳноза Ёрмуҳаммедова таъкидлайдики, китоблар байрамида ўқувчилар ота-оналари билан биргаликда сотиб олган ақл дурдоналари билан кутубхона фондини бойитдилар. 2-«А» синф ўқувчиси Сожида Турсунова ўзига бирйўла учта китоб совға қилишганидан хурсанд. Қизалоқ кўп ҳолларда унга дадаси китоб олиб беришидан мамнун.

* * *

Пойтахтимиздаги 219-мактабда ўтказилган тадбирда «Шарқ» ва «Ўқитувчи» нашриётлари томонидан китоблар кўргазмаси ва савдоси ташкил этилди. Тадбирга ташриф буюрган ота-оналар, маҳалла фаоллари кўргазма билан танишдилар, китоб харид қилиб мактабга ва фарзандларига совға қилдилар.

«Фарзандимга китоб совға қиламан» мавзусида ўтказилган тадбирда болаларни китобхонликка кенг жалб қилиш, уларга китоб совға қилишнинг аҳамияти хусусида фикр алмашилди, мактаб ахборот-ресурс марказида яратилган шароитлар, ўқув ва бадиий адабиётлар фонди ҳақида маълумот берилди.

Тадбир якунида ўқувчилар томонидан саҳна кўринишлари, куй-қўшиқ ва рақслар ижро этилди.

**Назокат ХОЛМЕТОВА,**
**"Ma'rifat" мухбири**

***Суратларда 2 апрель — Халқаро болалар китобхонлиги кунига бағишланган тадбирлардан лавҳалар.***

**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ ва Владимир ГРАНКИН олган суратлар.**

*Tajriba*

# ДАРСДА ЭЛЕКТРОН ТОПШИРИҚЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

## *ўқувчиларнинг мавзуни чуқур ўзлаштиришига ёрдам беради*

***Киши ҳаётда қайси касбни танламасин, ўз соҳасининг ҳақиқий билимдони, фидойиси бўлиши керак. Зотан, бусиз жамият равнақини тасаввур қилиш қийин. Бу биз педагоглар зиммасига келажагимиз ворислари бўлмиш ёш авлодга фан асосларидан пухта билим бериш масъулиятини юклайди.***

***Бугунги кун ўқувчилари зукко, иқтидорли, фикрлаш доираси кенг ўғил-қизлардир. Узвийлаштирилган ўқув дастурлари асосида яратилган дарсликларда шу жиҳат алоҳида эътиборга олинган. Олдингидек «қотиб қолган» бир хил услубда дарс ўтиш билан уларнинг эътиборини тортиб, фанга қизиқтириб бўлмайди. Давр бугунги кун ўқитувчисидан компьютер саводхонлигига эга бўлишни, дарс жараёнида ахборот-коммуникация воситаларидан самарали фойдаланишни талаб этмоқда.***

Таълимда инновацион технологиялар, интерфаол услублар, ўзига хос дарс шаклларининг АКТ билан уйғунлиги ўқувчилар билим самарадорлигини таъминлайди. Ўқувчи қоидани кўр-кўрона ёдламасдан, билимларни онгли ўзлаштиради, мантиқий хулоса чиқаради, олинган билимни амалда қўллай билиш кўникмасини ҳосил қилади. Тажрибамдан шуни чуқур англадимки, ҳар бир дарс қайсидир жиҳати билан бошқаларидан ажралиб турса, бир-бирини такрорламаса, мунтазам равишда ривожланиб, такомиллашиб борсагина, таълимда сифат ва самарадорлик ошади.

Дарс жараёнида кўргазмали воситалардан ўринли фойдаланиш, айниқса, самарали. Шу боис машғулотларимда қўллаш учун компьютерда турли кўргазмали материаллар тайёрлаганман. Кузатишларимга кўра, бугун болаларни оддий жадваллардан кўра ижодкорликка ундайдиган ноодатий кўргазмали воситалар кўпроқ қизиқтирмоқда.

Қуйида она тили фани ўқитувчиси сифатида ўз тажрибамдан мисоллар келтирмоқчиман.

Она тили фанидан 6-синфда миқдор соннинг турлари мавзуси ўргатилгач, билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш мақсадида электрон кўргазма тайёрладим. Экранда тасвирланган гуллар асосида ўқувчилар миқдор соннинг дона сон, саноқ сон, жамловчи сон, чама сон, тақсим сон, каср сон каби турларини такрорлашади: *иккита гул, бештача лола, тўрттадан гул* сингари.

Ўқувчиларда мавзу юзасидан кўникма ва малака ҳосил қилишда топшириқлар муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун 6-синфда «Турдош отлар» мавзуси бўйича қуйидаги топшириқни бериш мумкин:

«Берилган сўзларни сўроқларига кўра гуруҳланг: осмон, ишчи, китоб, буғдойзор, терим, она, шамол, ошхона, дўст, қалам, ўтлоқ, амма, олчазор, унум, теша, агроном, ўйингоҳ, пахтачилик...».

| *Шахс отлари* | *Нарса отлари* | *Ўрин-жой отлари* | *Фаолият-жараён отлари* |
|---|---|---|---|
| *ишчи* | *китоб* | *буғдойзор* | *терим* |

6-синфда «Шахс оти ясовчи қўшимчалар ва уларнинг имлоси» мавзусини ўтишда ўзига хос кўргазмали восита тайёрладим. Суратларда тасвирланган нарса-буюмлар номига қўшимча қўшилганда шахс оти ясалади. Масалан: соат -соз, китоб -хон, парта -дош, балиқ -чи ва ҳоказо. Бундай машғулот ёрдамида ўқувчилар янги мавзунинг мазмунини чуқур англаб етмоқда.

7-синфда «Олмош сўз туркуми ва унинг турлари» мавзуси ўтиб бўлингандан сўнг мустаҳкамлаш дарсида ўқувчилар Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф шеъри билан компьютер орқали танишади. «Биз бахтли бўламиз» шеъридаги олмошларни топиб, турларини аниқлайдилар: *кимгадир, улар, биз, мен, нима, ўзинг, нечун, барча.*

Тест саволларининг қулай ва афзал жиҳатларини ўз тажрибасида синаб кўрган ҳар бир педагог яхши билади. Мен ҳам она тили фанидан маълум мавзу ёки бўлим ўтиб бўлингач, шунингдек, ҳар чорак якунида ўтилган мавзуларнинг қанчалик ўзлаштирилганини аниқлаш мақсадида ўқувчилардан тест синовлари оламан. Синфлар кесимида тайёрланган барча тестлар компьютер хотирасига киритилган бўлиб, исталган дарсда ундан фойдаланиш имконияти мавжуд.

Ўқувчилар ёзиш ва ўқишдан толиққанда чигал ёзди машқи сифатида мусиқадан самарали фойдаланаман. Аҳамиятлиси, бу ҳам ўйин, ҳам дарс шаклида ташкил этилади. Масалан, 7-синфда «Эгалик шакллари ва уларнинг имлоси» мавзуси ўтиб бўлингандан сўнг тушунчаларни мустаҳкамлаш мақсадида мумтоз ашулалардан қўйиб бериб, шеър матнидан эгалик қўшимчаларини аниқлашни топшираман, ўқувчилар шахс ва сонини кўрсатади. Масалан: *гулим* сўзида *-им* эгалик қўшимчаси, 1-шахс, бирлик...

Халқ таълими вазирлиги томонидан етказиб берилган электрон дарсликлар ҳам мавзуларни жонли тарзда ўтишда қўл келмоқда. Мисол учун, 7-синфларда «Тақлид сўзлар» мавзусини электрон дарслик асосида тушунтиришнинг афзаллиги шундаки, унда товушга тақлид бевосита келтирилган — дастурга жониворларнинг овозлари киритилган. Бу мавзуни амалий мисоллар асосида ўзлаштиришга замин яратади, ўқитувчини ҳам, ўқувчини ҳам изланувчанликка, ижодкорликка ундайди. Айниқса, электрон дарсликнинг ранг-баранглиги, расмлар билан безатилгани, сухандон овозидан фойдаланилиши ўқувчини ўзига жалб этади. Диққат-эътибор эса билим сифатининг асосидир.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги замон дарсига қўйилган талаб ўқитувчидан ижодкорликни, тинимсиз изланишни, машғулот жараёнида таълимнинг илғор усулларидан фойдаланишни, энг муҳими, ўқувчилар қобилиятини ривожлантиришга алоҳида аҳамият беришни талаб этмоқда. Зеро, ўқувчиларнинг келажакда етук шахс бўлиб етишиши кўп жиҳатдан биз бераётган таълим-тарбия сифатига боғлиқ. Агар ўқитувчи болалар қалбида ўз фанига қизиқиш ва меҳр-муҳаббат уйғота олса, ишончим комилки, ўз меҳнатининг самарасидан, албатта, баҳраманд бўлади.

**Матлуба МУКУМОВА,**
**Китоб туманидаги 3-умумтаълим мактаби ўқитувчиси, «Шуҳрат» медали соҳибаси**

*Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda*

# “ҲУҚУҚ БИЛИМДОНЛАРИ” ТАНЛОВИ

## *ўқувчиларнинг ҳаётда ўз муносиб ўрнини топишига ундайди*

***Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш, Конституцияга оид билимларини мустаҳкамлаш, мустақил фикр ва дунёқарашини шакллантириш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мактаб ўқувчиларининг ҳуқуқий йўналишдаги билимларини ошириш мақсадида турли кўрик-танлов ва беллашувларнинг ташкил этилиши ҳамда иқтидорли ёшларнинг рағбатлантирилиши муҳим аҳамият касб этади. Халқ таълими вазирлиги томонидан “Ҳуқуқ билимдонлари” республика кўрик-танловининг ўтказилиши ана шу мақсадга ҳамоҳангдир. Вазирликнинг маънавий-ахлоқий тарбия бўлими бошлиғи Жамолиддин Камолов кўрик-танловнинг ташкилий жараёни ҳақида сўзлаб берди:***

— Президентимизнинг жорий йил 6 февралдаги ПҚ-2124-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури” ижросини таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган “Ҳуқуқ билимдонлари” кўрик-танлови ўқувчиларда ҳуқуқий онг ва маданиятни ривожлантириш, фаол фуқаролик позициясини ва мустақил қарор қабул қилиш кўникмаларини ошириши билан аҳамиятлидир. Танловни юқори савияда ташкил этиш учун Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорлик қилинади.

**— Кўрик-танлов иштирокчилари қай тарзда сараланади?**

— Танлов уч босқичли бўлиб, жорий йилнинг март-май ойларида ўтказилади. Биринчи босқичда иштирок этадиган жамоалар умумий ўрта таълим мактабларининг билимли, зукко, хулқи намунали бўлган 5 нафар *(ўқувчилар ихтиёрий синфдан олиниши мумкин)* ўқувчисидан иборат бўлади. Шакллантирилган жамоага мактабнинг давлат ва ҳуқуқ асослари фани ўқитувчиси раҳбар сифатида бириктирилади.

Танловнинг иккинчи босқичи туман (шаҳар) миқёсида бўлиб ўтади. Ушбу босқичда 1-, 2-, 3-ўринларни олган мактаб жамоалари таркибидан ҳудудий босқичда қатнашадиган жамоа шакллантирилади. Ҳудудий босқич беллашувлари жорий йилнинг 30 апрелига қадар ўтказилади.

Учинчи босқич ҳам худди шу тартибда ўтказилиб, ҳудудларда ғолиб бўлган жамоалар иштирокчиларидан республика босқичида иштирок этадиган таркиб шакллантирилади. Ҳар бир жамоа ҳакамлар ҳайъатининг тавсиялари асосида сараланади.

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги республика таълим муассасалари жамоалари Тошкент шаҳар босқичида тўғридан-тўғри иштирок этади. Ҳозир танловнинг қуйи босқичи ўтказилмоқда.

**— Танлов шартлари ва баҳолаш мезонлари ҳақида ҳам маълумот берсангиз?**

— Кўрик-танлов иштирокчилари уч шартга кўра, 100 баллик тизимда баҳоланади. Улар биринчи шартда 25 дақиқа вақт ичида 25та тест саволларига жавоб беришади. Ҳар бир тўғри жавобга икки балдан берилади. Иккинчи шартда жамоалар соҳа мутахассислари томонидан тузилган, ҳар бир тўғри жавоби 10 баллик тизимда баҳоланадиган 3та саволга жавоб беришади. Белгиланган вақт 10 дақиқа. Сўнгги шартда жамоалар ўз билим ва маҳоратини саҳна кўринишлари орқали кўрсатади. Саҳнада ўқувчиларнинг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлиги, вояга етмаганлар ўртасидаги турли ҳуқуқбузарликларнинг жамият ҳаёти ва келажагига салбий таъсири, бундай воқеаларнинг олдини олиш чоралари бўйича эркин мавзуда чиқишлар намойиш қилинади. Жамоалар ушбу шартга олдиндан тайёргарлик кўриб келишгани боис 10 дақиқа вақт берилади. Шартга мавзунинг очиб берилгани, мактабда олинган билимларнинг акс эттирилиши, ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилияти ва ижро маҳорати инобатга олинган ҳолда 20 балгача берилиши мумкин.

**— Якуний босқични ўтказиш тартиби кўрик-танлов низомида қандай белгиланган?**

— Республика босқичи жорий йил 16 май куни Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида ҳудудларда ғолибликни қўлга киритган жамоалар иштирокида ўтказилади. Ғолиб жамоалар ҳамда турли номинацияларга муносиб топилган ўқувчилар рағбатлантирилади.

Албатта, эзгу ишлар ўз натижасини бермасдан қолмайди. Инсон қандай касб эгаси бўлмасин, ўз ҳақ-ҳуқуқларини, бурчини яхши билмоғи лозим. Фарзандларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигига ёшлигидан эътибор қаратсак, тўғри йўналиш бера олсак, келажакда катта ҳаётда қоқилмайди, жамиятда ўз ўрнини топади. Мақсад ҳам шу: фарзандларимизни она Ватанига, халқимизга муносиб инсон қилиб тарбиялаш.

**Ҳасан МЎМИНОВ**
**ёзиб олди.**

# МИЛЛАТ ҚУДРАТИНИНГ ТИМСОЛИ

**(Давоми. Боши 1-бетда.)**

Мустақиллик туфайли Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қудратли салтанат асосчиси, илм-фан, маданият ва маънавият ҳомийси, дунё цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг, жумладан, Амир Темурнинг тарихий хотираси тикланди. Пойтахтимизнинг марказий кўчаларидан бирига, метро бекатига, фусункор хиёбонга унинг номи берилиб, маҳобатли ҳайкали қад ростлади. “Амир Темур” ордени таъсис этилди.

...Кўз ўнгимдан Соҳибқирон ҳайкали жой олган файзли хиёбон, унга туташ кўркам Амир Темур шоҳ кўчаси ўтади. Буюк аждодимиз номига қўйилган кўча ва хиёбонни сайр этиш истаги пайдо бўлади.

Собиқ мустабид тузум даврида Энгельс номи билан юритилган бу кўча истиқлол йилларида нафақат ташқи кўриниши, балки мазмун-моҳияти жиҳатидан ҳам бутунлай ўзгарди. 1992 йил 7 майда кўчага Амир Темур номи берилди. 2008 йил 6 майдан ушбу кўча Мовароуннаҳр кўчаси билан бирлаштирилиб, “Амир Темур шоҳ кўчаси” деб юритила бошлади. Катта халқа йўлидан Тошкент марказий вокзалигача салкам ўн километр узунликдаги бу кўчага ушбу номнинг берилиши буюк аждодимизга бўлган юксак эҳтиромнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Президентимиз “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида юртимизнинг турли кўча ва хиёбонлари, метро ва автобус бекатлари, катта-катта майдонлар, биноларни безаб турган ўзбекча номлар, шиор ва лавҳалар ҳамда уларнинг ҳаётий аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталади: “Вахоланки, яқин тарихимизда бу манзара бутунлай бошқача кўринишга эга эди. Биргина Тошкент шаҳридаги кўчаларнинг номларини ўқиб, беихтиёр қайси мамлакатда юрганингизни билмай қолар эдингиз: Ленин, Маркс, Энгельс, Луначарский, Киров, Ворошилов, Лопатин ва ҳоказо. Шуниси ажабланарлики, большевиклар партиясининг доҳийлари бўлмиш бу инсонларнинг бирортаси ҳам умрида юртимизга қадам қўймаган, бизнинг тарихимиз ва қадриятларимизга мутлақо алоқаси бўлмаган кимсалар эди. Ёки шаҳардаги аксарият туражой мавзелари «Ц-1», «Ц-2», «Ц-15» деган, одамда ҳеч қандай ҳис-туйғу, хотира уйғотмайдиган мавҳум номлар билан атаб келинганини эслайлик.

Буларнинг барчаси замирида совет мафкурасига хос бўлган, одамзотни тарихий хотира, Ватан туйғусидан жудо қилишга қаратилган ғаразли интилишлар мужассам эканини англаш, тушуниш қийин эмас”.

Тошкенти азимнинг марказий кўчаларидан бири тарихимизда ўчмас из қолдирган буюк сиймо номи билан аталаркан, бу бобокалонимиз шахсига ҳурмат-эҳтиром рамзи сифатида юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод қалбида Ватанимизга муҳаббат, ундан фахрланиш ҳиссини юксалтиришга хизмат қилади.

Ушбу кўча бўйидаги “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи ва “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи зиёратчилар қадами узилмайдиган қутлуғ масканлардан. Юртдошимиз ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган маросимда қайд этганидек, одамларнинг юрагида мудҳиш из қолдирган қатағон йилларида бу кўримсиз жарлик — Алвасти кўприк деб совуқ ном олган, инсон қалбига қўрқув соладиган қаровсиз жойда халқимизнинг минглаб асл фарзандлари отилган, бекафан, бежаноза, ном-нишонсиз кўмиб ташланган.

Юртимизда амалга оширилаётган буюк бунёдкорлик ишларининг маҳсули сифатида замонавий қиёфа касб этган мазкур қадамжо Ўзбекистонда инсон шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият даражасига кўтарилганининг яққол ифодасидир. Музейнинг ўтмишимизнинг қора кунлари, айни пайтда истиқлол шукуҳи ва бу неъматга эришиш йўлида чекилган заҳматларни ўзида акс эттирган ранг-баранг экспонатларида ибратли тарих ҳақиқати мужассам.

Мана, шоҳ кўчанинг яна бир диққатга сазовор жойида турибман. Бўзсув каналидан эсаётган шабада, кўча бўйидаги «Aqua park»дан келаётган болаларнинг шўх-шодон қийқириқлари кишига ажиб кўтаринкилик бахш этади. Бу жойдан юзлаб маротаба ўтган бўлсам-да, ҳар гал жаннатмонанд дийёрга тушиб қолгандек сезаман ўзимни. Зотан, ҳар куни уйдан ишга, ишдан уйга ошиқарканмиз, йўл бўйи қилиниши зарур юмушлар ҳақида ўйлаймиз, бошимизда турфа хаёллар кезади. Шаҳримизда бўлаётган улкан бунёдкорлик ишларини кўп ҳам илғайвермаймиз.

Кўча бўйлаб салобат тўкиб турган «International Hotel Tashkent» меҳмонхонаси, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки биноси, Халқаро бизнес маркази ҳамда «Тошкент плаза» савдо маркази, теннис кортлари, ёпиқ сув ҳавзаларини ўз ичига олган ноёб спорт мажмуаси ўзаро мутаносиб жойлашган.

Ана, самога бўй чўзган Тошкент телеминораси, муҳташам “Radisson SAS Tashkent” меҳмонхонаси, бетакрор фавворалар... Шаҳар инфратузилмасига кўрк бағишлаган, аҳоли ва транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун янада қулайлик яратган улкан кўприк... Бир-бирини такрорламайдиган лойиҳалар асосида барпо этилган, айни пайтда ҳар бири атрофдаги бинолар билан уйғунлик ҳосил қилган бунёдкорлик обидалари...

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари самарасида мамлакатимизнинг барча ҳудудлари каби Тошкент шаҳри ҳам беқиёс даражада ўзгариб, кўркамлашиб бораётир. Пойтахтимизнинг меъморий қиёфаси ўзининг тарихий жозибасини сақлаган ҳолда янгиланиб, узоқни кўзлаб тузилган режа асосида изчил ривожланмоқда. Миллий меъморлик ва замонавий архитектура анъаналарини ўзида мужассам этган муҳташам иншоотлар, туражойлар, замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналар, янги таълим ва шифо масканлари, кенг кўча ва проспектлар, кўприклар, сўлим боғ ва хиёбонлар барпо этилмоқда. Замонавий шаҳарсозликнинг энг юксак талаблари асосида қурилган Мустақиллик майдони, “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройи, Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонани ўз ичига олган Маърифат маркази, “Бунёдкор” спорт мажмуаси сингари кўплаб объектлар мазкур йўналишдаги ишларнинг ёрқин намоёнидир.

Беихтиёр улуғ бобокалонимизнинг Шаҳрисабзда қад ростлаган Оқсарой пештоқига ёзилган “Агар қудратимизга шубҳа қилсанг, биз қурдирган иморатларга боқ!” деган сўзлари ёдга тушади. Бу сўзлар Соҳибқироннинг ҳар қандай меъморлик намунаси мамлакат куч-қудрати, халқнинг бирлигини ўзида ифода этишини чуқур ҳис қилганини англатади.

...Тошкент молия институтининг замонавий биноси Амир Темур шоҳ кўчасига янада кўрк бериб турибди. Институтда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини бемалол бошқараётган, озода кийинган, юзида мамнунлик, ўзига ва порлоқ келажагига комил ишонч балқкан йигит-қизларни кўриб, эртамиз билимли, доно ва албатта, бахтли ёшлар қўлида эканига ишонч ҳосил қиламиз.

— Деярли ҳар куни Амир Темур шоҳ кўчасидан ўқишга қатнайман. Кўча бўйлаб улуғ бобокалонимиз руҳи кезаётгандек, биз, авлодларини қўллаб-қувватлаб тургандек туюлаверади, — дейди Тошкент молия институти талабаси Камолиддин Маҳмудов. — Бу ҳис ушбу кўчада жойлашган ахборот технологиялари университети, автомобиль ва йўллар институти ва бошқа турли таълим муассасаларида таҳсил олаётган барча тенгдошларимга ҳам буюк аждодимизга муносиб ворис бўлиш масъулиятини юклайди.

...Кўча бўйлаб арча, эман, қайин, турли бута ва гуллар батартиб экилган. Бир-биридан кўркам супермаркетлар, шинам маиший хизмат объектларидан ўтгач, кундан-кун мегаполисга айланиб бораётган шаҳримиз бағридаги мўъжаз табиий манзарага кўзингиз тушади. Ям-яшил майсазор, хумлар асрий анъаналаримиздан сўзлаб, она табиатимиз гўзаллигини намоён этиб тургандек.

— Ёшлигимиз мана шу жойларда ўтган. Илгари бу кўчанинг ҳар икки томони эски ҳовлилардан иборат эди, — дейди Юнусобод туманида яшовчи оқсоқол Шорасул Шомуҳамедов. — Бу ердан кўриниб турган сойлик қаровсиз ётар, турли ҳашаротларнинг макони эди. Шаҳар марказидаги бундай кўримсиз ва бефайз манзара одамнинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатмай қолмасди, албатта. Бугун биз кўриб турган кенг, равон кўча, унга туташ ҳудудлардаги манзара худди тушга ўхшайди. Истиқлол йилларида шаҳримизда амалга оширилган беқиёс бунёдкорлик ишлари аҳолининг яшаши, меҳнат қилиши, дам олиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун барча қулайликларни яратди. Энг муҳими, одамларнинг кайфиятини, дунёқарашини бутунлай ўзгартириб юборди.

— Кўча бўйида ландшафт дизайни асосида барпо этилган мўъжаз ҳудуд йўловчилар ва шаҳар аҳолисига кўтаринки кайфият бағишлайди, — суҳбатга қўшилади архитектор Ҳулкар Бурҳонова. — Инсон тафаккури, меҳнат ва табиат уйғунлиги маҳсули бўлган ландшафт архитектураси ижодий фаолиятнинг кенг миқёсдаги тармоғидир. Уларни барпо этишда табиий материаллар — ер, сув, ўсимликлардан фойдаланилган, бу экологик муҳитни соғломлаштиришга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, аввалари пойтахтимизнинг аксарият хиёбонлари бетон ва асфальтдан иборат бўлиб, ёзнинг жазирамасида нафас олиш оғирлашарди. Кейинги йилларда кўча ва майдонларда яшил ҳудудларни кенгайтириш борасида катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. Каштан, қарағай, арча, эман, қайин каби ҳавони тозаловчи ва кислород билан бойитувчи дарахтлар, турли бута ва гуллар экилиши натижасида шаҳримиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Бу пойтахтимизга дунёнинг турли давлатларидан келаётган сайёҳлар оқими янада кўпайишида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Шу кўчадаги “Олой деҳқон бозори” жаҳон андозалари асосида таъмирланган бўлиб, доимо харидорлар билан гавжум.

— Илгари дўконларнинг ташқи кўриниши, харидорлар учун мўлжалланган йўлкаларга бетартиб қўйиб ташланган маҳсулотлар бозорнинг умумий қиёфасини бузиб турарди, — дейди сотувчи Мавлуда Искандарова. — Ҳозир манзара тамоман ўзгарган. Савдо расталари ривожланган давлатларникидан ортиқ бўлса ортиқки, кам жойи йўқ. Кирган одамнинг баҳри дили очилади. Автомашиналар қўйиш учун алоҳида жой ажратилган. Буларнинг ҳаммаси одамларимизнинг ҳаёт тарзи, жумладан, савдо маданияти юксалаётганидан далолатдир.

“Dedeman Silk Road”, “City Hotel” меҳмонхоналари, янгидан реконструкция қилинган Тошкент давлат юридик университети биноси, Темурийлар тарихи давлат музейидан ўтиб, Амир Темур хиёбонига чиқамиз.

Сокин ва нақадар файзли хиёбон! Озода ва кўркам йўлакчалар хиёбон марказида салобат-ла турган Амир Темур ҳайкали пойига элтади. Отда виқор билан ўтирган ҳукмдор жанговар кийимда, гўё зафарли юришдан қайтмоқда. Чап қўли билан от жиловини маҳкам тутгани, ўнг қўлини кўк узра даст кўтариб олам аҳлини аҳилликка, адолатга чорлаётганини, нигоҳлари қатъият-ла боққанидан унинг енгилмас саркарда ва инсон сифатидаги фазилатларини, ички дунёси ва кечинмаларини уқиш мумкин. Ҳайкал тагкурсисида Соҳибқирон салтанатида ахлоқий ва маънавий мезонга айланган “Куч — адолатдадир” шиорининг тўрт тилда ёзиб қўйилгани бу борадаги фикрларимизни янада ойдинлаштиради.

Олдин ушбу ҳайкал ўрнида кимларнинг ҳайкали қўйилмаган дейсиз. Уларнинг бирортаси шаҳримизга ҳам, юртимизга ҳам келмаган, орқаворотдан «улуғ доҳий»ларнинг соясига салом бериб юрганмиз. Давр шунақа, тузум шунақа бўлган. Ниҳоят истиқлол туфайли, Президентимиз ташаббуси ва фидойилиги натижасида хиёбоннинг ҳақиқий эгаси «қайтиб келди». 1993 йили Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан миллатимиз ифтихори, мустақиллик ва озодлик тимсоли — Амир Темурнинг улуғвор ҳайкали қад ростлади.

Хиёбонда кўплаб бунёдкорлик, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Эски дарахтлар ўрнини табиий иқлим шароитига мос манзарали дарахтлар, гул ва буталар эгаллади. Кўркам фаввора ва йўлакчалар қурилди. Бугун хиёбон замонавий қиёфада. Ўзаро уйғун бунёд этилган “Ўзбекистон” меҳмонхонаси, “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройи, Тошкент қуранти миноралари ажиб композиция ҳосил қилган.

Ҳайкал қаршисидаги ўриндиққа ўтириб, чор-атрофга боқаман. Набираларини етаклаган кайвони онахонлар, қўл ушлашган болакайлар, китоб мутолаасига шўнғиган талабалар... Уларнинг гулгун чеҳрасида бугунги тинч, дориломон кунлардан шукроналик, ўзаро меҳр-оқибат, аждодлари сиймосидан ғурур ва уларга муносиб бўлишдек масъулият туйғулари балқиб турибди.

Давлатимиз раҳбари Амир Темур ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанада бундай деган: “Мамлакатимизнинг марказида, қадимий ва гўзал пойтахтимиз — жонажон Тошкентимиз ўртасида қад кўтарган улуғ бобомиз сиймоси халқимизга фахр ва ғурур бахш этмоғи муқаррар! Бу сиймо мард, танти, ҳалол ва ғайратли халқимизни бирлаштиришда, жипслаштиришда, иймон-оқибатли бўлишда, қудратли келажагимизни қуришда бизга янги-янги куч-қувват ва шижоат бағишлайди”.

...Менга олам-олам таассуротлар ҳадя этган кўча бўйлаб ортга — уйга қайтаман. Йўл бўйи тилу дилимда жозиб, қуйма сатрлар тинмай айланади:

***Бир султонни Худо юртга***
***қараб бергай,***
***Олам аҳли сўнг у юртга***
***тараф бергай,***
***Абадият қадар унга***
***шараф бергай,***
***Шараф-шони рўйи***
***жаҳон юрт бўлди бу.***

**Дилшод КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

## Muhammad Yusuf tavalludining 60 yilligiga

*Муҳаммад Юсуф қисқа умр кўрди, лекин сермаҳсул ижод қилди. Оташнафас шоир юрт муҳаббатини, Ватан қадрини, ўзбек эли ва унинг ўзигагина хос қадриятлари, анъаналарини ҳеч кимга ўхшамаган жонбахш, содда ва самимий сатрларида завқ билан куйлади. Унинг "Булбулга бир гапим бор", "Илтижо", "Уйқудаги қиз", "Ҳалима энам аллалари", "Ишқ кемаси", "Кўнглимда бир ёр", "Бевафо кўп экан", "Ёлғончи ёр", "Эрка кийик", "Осмонимга олиб кетаман" сингари шеърий тўпламлари, "Қора куёш", "Кўҳна қудуқ" каби достонлари халқимиз қалбидан муносиб жой эгаллади.*

*Муҳаммад Юсуф асарлари объекти — ҳаёт. Шоир шеърларининг ҳаётийлиги, кўнгилга яқинлиги, туйғуларининг табиий ва самимийлиги шундан.*

*Муҳаммад Юсуф ҳаёт йўли, Ватанни, инсонни, тинчлик ва осойишталикни, севги ва садоқатни улуғлайдиган ижодий меросини ўрганиш учун умумтаълим мактабларининг 8-синф адабиёт ўқув дастурида 2 соат вақт ажратилган.*

*Айни пайтда республикамиздаги таълим муассасаларида шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбирлар, давра суҳбатлари ҳамда ижодий кечалар бўлиб ўтмоқда. Бу жараёнда умумтаълим мактаблари ўқувчи-ўқитувчилари, ота-оналар, маҳалла ва кенг жамоатчилик фаол иштирок этаётир. Таълим муассасаларида Муҳаммад Юсуф сиймоси, унинг ижоди ва фаолиятини акс эттирувчи фотолавҳалар, ўқувчиларнинг мустақил ижодий ишлари жамланган кўргазмалар ташкил этилаяпти.*

*Қуйида Жиззах вилояти Янгиобод туманидаги 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Бекназар Тошбоевнинг шоир ижодига бағишланган "Ватан куйчиси" номли тадбир сценарийсини мактаб саҳнаси учун тавсия этамиз.*

**Комила УСМОНОВА,**
**Республика таълим марказининг филология фанлари бўлими бош методисти**

# ВАТАН КУЙЧИСИ

Саҳна тўрида лолазор тасвири туширилган панно. Унинг ўртасида Муҳаммад Юсуф сурати. Залда майин куй таралади.

Саҳнага бошловчилар — йигит ва қиз кириб келиб, Муҳаммад Юсуфнинг "Улуғимсан, Ватаним" шеъридан парча ўқийдилар.

**Йигит:** — Ассалому алайкум! Ҳурматли устозлар, азиз дўстлар, қалби қайноқ ўқувчилар, адабиёт ва шеърият шайдолари! Бугун биз ўзбек шеъриятининг ёрқин юлдузи Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш учун йиғилганмиз.

**Қиз:** — Соҳирнафас шоир Муҳаммад Юсуф миллий адабиётимиз ва маданиятимизни ривожлантириш, ёш авлод қалбига ўзликни англаш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини сингдиришга, эзгу фазилатларни камол топтиришга бетакрор бадиий асарлари билан катта ҳисса қўшган.

(Муҳаммад Юсуфнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақидаги 5 дақиқалик маъруза. Шундан сўнг мактаб ёш ҳаваскорлар дасталари қатнашчиларининг чиқишлари намойиш этилади.)

**Йигит:**

***— Шодон куним гул отган сен,***
***Чечак отган изимга.***
***Нолон куним юпатган сен,***
***Юзинг босиб юзимга.***
***Синглим дейми,***
***Онам дейми,***
***Ҳамдарду ҳамхонам дейми,***
***Офтобдан ҳам ўзинг меҳри***
***Илиғимсан, Ватаним.***

**Қиз:** — Муҳаммад Юсуф чин маънода Ватанни қалбдан англаган, уни жон дилдан севган ижодкор эди. Айниқса, истиқлолимизни, озод ва обод юртимизни тараннум этувчи шеърлари билан халқимиз юрагини забт этган, десак муболаға бўлмайди.

**Йигит:** — Шоирнинг "Ўзбекистон" шеърини 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган юртдошларимиз фахр-ифтихор билан айтиб юрадилар.

**Қиз:** — "Ўзбекистон" шеъридан парча ўқийди.

**Йигит:** — «Аксарият қўшиқларим муаллифи Муҳаммад Юсуф эди, — деб эслайди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ғиёс Бойтоев. — Шеърлари халқона эди, оҳанги ўзи билан келарди».

**Қиз:** — Эътиборингизга «Эрка кийик» ашуласини ҳавола этамиз.

Йигит:

***— Бешикларга тўлиб кетсин***
***бир ўзбеклар,***
***Тили чиқмай кўзи чақнар***
***ҳур ўзбеклар —***
***Давлатбеклар, Эътиқодбек,***
***Иймонбеклар,***
***Бобожон, деб соқолларинг***
***силаб турсин.***

**Қиз:** — Муҳаммад Юсуф ўз шеърларида ўзбек халқининг болажонлигини, ота-она учун фарзандда азиз неъмат йўқлигини ҳаёт тажрибаси мисолида ифодалаган. "Муҳаммад ака, — деб эслайди шоирнинг умр йўлдоши Назира Саломова. — Фарзандини яхши кўра олмаган одамда Ватан туйғуси бўлмайди", дер эдилар.

Муҳаммад Юсуфнинг «Ўзбек» шеъри ифодали ёд ўқиб берилади.

**Қиз:** — Дарҳақиқат, шоир Муҳаммад Юсуф юртининг армонлари билан яшади. Узоқ ўтмишни ўйлаб жони оғриганини ўз шеърлари, достонлари орқали баён этди. Шоирнинг «Самарқанд» шеъри ҳам ана шу армонлар доғида дунёга келган.

**Йигит:** — «Самарқанд» қўшиғини ижро этамиз.

**Қиз:**

***— Бир қарасам ҳар шевангда***
***минг жилолар,***
***Ҳар новдангда, ҳар мевангда***
***минг жилолар,***
***Қодирийлар, Чўлпонлару***
***Абдуллолар,***
***Сенинг қайтган кунинг мен***
***туғилган йилим***
***Она тилим, эй муқаддас***
***Она тилим.***

**Йигит:** — Муҳаммад Юсуф ўз Ватанини, аждодларини қанчалик севган бўлса, асрлар давомида қадр топиб келаётган она тилимизни шунчалик севди. Бетакрор сатрлар бобомерос тилнинг жозибасини ўзида акс эттирди.

*(Ўқувчилар галма-гал «Она тилим» шеърини айтишади.)*

**Йигит:**

***— Ўтар қанча йиллар тўзони,***
***Юлдузлар — кўз ёши самонинг,***
***Ўтар инсон яхши-ёмони,***
***Меҳр қолур, муҳаббат қолур.***

**Қиз:** — Муҳаммад Юсуфнинг "Меҳр қолур" шеъри кўнгилларни яшнатувчи дилтортар қўшиқ бўлиб, ҳар бир ўзбек хонадонига кириб борди, юртдошларимиз қалб тўрида бир умр муҳрланди.

("Меҳр қолур" қўшиғи куйланади.)

**Йигит:**

***— Келар бўлсанг йўлингга***
***гул тўшардим,***
***Сен Лайлига, мен***
***Мажнунга ўхшардим,***
***Бу дунёда ҳижрон йўқ деб яшардим,***
***Энди сени излаб қайдан топарман.***

**Қиз:** — Азизлар, барчангиз Муҳаммад Юсуфнинг "Биз бахтли бўламиз" шеърини ёд биласиз! Мазкур шеър ёш қалбларнинг мадҳиясига айланиб кетгани рост. Эътиборингизга ана шу шеърни тақдим этамиз.

*(Йигит "Биз бахтли бўламиз" шеърини ўқийди.)*

**Қиз:** — Муҳаммад Юсуф баҳор, кўклам, муҳаббат куйчиси. Унинг шеърларидаги шоҳ мисраларда лолаю лолақизғалдоқлар ўзгача таърифланиб, ариқ бўйларида, сой соҳилларида ястаниб ётган райҳону ялпизлар хушбўй ҳид таратиб, димоғларни чоғ, кўнглингизни равшан қилади.

**Йигит:** — "Баҳор қўшиғи" ва "Баҳор вальси"ни томоша қилинг. Кўшиқ ва рақсни "Ниҳол" ва "Ғунча" дасталари ижро этишади.

**Қиз:**

***— Қизғалдоғим, қирдан***
***бўлак кошонанг йўқ,***
***Кокил ёйсанг, ердан***
***бўлак тошойнанг йўқ,***
***Ўксиб-ўксиб турганингда***
***ўзим бориб,***
***Пешонангдан ўпай десам,***
***пешонанг йўқ.***

**Йигит:**

***— Ўлсаму унутсанг мендай***
***йигитни.***
***Қаро тупроқ силаб***
***ётса курагим.***
***Сен ўчоқ олдида чаққан***
***гугуртнинг,***
***Учида ловиллаб турса юрагим.***

**Қиз:** — Азиз дўстлар! Адабий кечамиз ҳам охирламоқда. Биз бугун халқимизнинг ардоқли шоири, истиқлолимизнинг оташин куйчиси Муҳаммад Юсуфнинг ўлмас хотирасини ёдга олдик. Шоир ҳаётлигида қанчалик ҳурмат қозонган бўлса, вафотидан сўнг ҳам унинг порлоқ хотирасига янада юксак эҳтиром кўрсатилмоқда.

**Йигит:** — Шоирнинг «Мендан нима қолар» шеъри ўз тақдири иқрори дейиш мумкин.

(Шеърдан парча ўқилади.)

**Қиз:** — Муҳаммад Юсуф камтарлик билан ёзганидек, ундан икки мисра шеър эмас, бой адабий мерос қолди.

Биз шоирнинг шеърлари, ҳаёт тарзи орқали Ватанни севишни, ардоқлашни, асрашни ўргандик ва ўрганмоқдамиз. Муҳаммад Юсуф ўз халқининг, Ватанининг куйчиси эди.

(Кеча охирида шоирнинг "Таваллo" шеъри билан айтиладиган қўшиқ ижро этилади.)

***Оқ йўргакка ўрагансан***
***ўзинг бизни,***
***Ҳам оқ ювиб-тараганасан***
***ўзинг бизни,***
***Бешигимиз узра бедор***
***она бўлиб,***
***Кунимизга яраганасан***
***ўзинг бизнинг.***
***Фидойинг бўлгаймиз сенинг,***
***Ўзбекистон,***
***Ҳеч кимга бермаймиз сени,***
***Ўзбекистон!..***

**Бекназар ТОШБОЕВ,**
**Жиззах вилояти Янгиобод туманидаги 1-ИДУМ ўқитувчиси**

# ШЕЪРИЯТ ИХЛОСМАНДЛАРИ БАЙРАМИ

*Учкўприк туманидаги 20-болалар мусиқа ва санъат мактабида Муҳаммад Юсуфнинг 60 йиллигига бағишланган "Унутмоқ осонмас бизларни" деб номланган адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенати аъзоси Иқбол Мирзо, болалар шоири Турсунбой Адашбоев, адабиётшунос олим Сайди Умиров, шунингдек, Фарғона вилоятининг кўзга кўринган ижодкорлари иштирок этиб, халқнинг севимли шоири Муҳаммад Юсуф ижоди, унинг шеърлари, ҳаёти ҳақида адабиёт ихлосмандларига сўзлаб берди. Мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари, тумандаги "Баркамол авлод" маркази "Ёш қаламкашлар" тўгараги аъзолари томонидан тайёрланган адабий-бадиий композицияда шоирнинг Она ватан, меҳру муҳаббат, вафо садоқат улуғланган шеърлари ўқилди, шоир шеърларига басталанган қўшиқлар ижро этилди.*

*— Ҳар бир мактабда Президентимизнинг "Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида турли кеча ва тадбирлар ўтказилаяпти, — деди туман ХТМФМТТЭ бўлими услубчиси Дилфуза Исақова. — Ўқувчиларни Ватанга садоқат, туғилиб ўсган заминига муҳаббат руҳида тарбиялашда шоир ижоди ўзига хос ўрин тутади. Шунинг учун ҳам унинг шеърлари кексаю ёшнинг қалбидан бирдек жой эгаллаган.*

**Шарифа МАДРАҲИМОВА**

*Севимли шоиримиз Муҳаммад Юсуфнинг Ватан ва муҳаббат ҳақидаги нозик ҳисларни уйғотувчи шеърлари ҳамон кўнгилларни ром этиб келмоқда.*

*Мактабимизда севимли шоиримиз шеърлари мутолааси, унинг ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбирлар ва бадиий кечалар ўтказиш бир неча йиллардан буён анъанага айланган.*

*Яқинда она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, «Ёш қаламкашлар» тўгараги раҳбари Ҳолида Мавлонова тўгарак аъзолари билан шоир ҳаёти ва ижодига бағишлаб «Халқ бўл, Элим! « шиори остида яна бир ана шундай адабий кеча уюштирди.*

*Тадбирда шоир шеърларини энг кўп ёд биладиган ўқувчилар мактаб маъмурияти томонидан рағбатлантирилди. Ота-оналар томонидан мактаб кутубхонасига бадиий китоблар совға қилинди.*

*Мактабимизда Муҳаммад Юсуф ҳаёти ва ижодига оид адабий бурчак ташкил этилди. Адабий бурчакка шоирнинг ҳаёт йўлини, ижод фаолиятини ёритувчи фотолавҳалар, портретлар қўйилди.*

**Мутал ЯКУБОВ,**
**Мирзачўл туманидаги 9-умумтаълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.**

**Kitob.uz On-line мулоқот!!!**

Республика болалар кутубхонаси ташаббуси билан Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан жорий йилнинг 8 апрель куни соат 15:00дан 16:30гача Халқ таълими вазирлиги тасаррруфидаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказида On-line мулоқот ташкил этилмоқда.

Эслатма: On-line мулоқотда шоирнинг оила аъзолари, шогирдлари иштирок этади. On-line мулоқот ҳудудий халқ таълими бошқармаларининг студияларида бўлиб ўтади.

**Мурожаат учун телефонлар: 8-371-233-17-91, 8-371-236-22-01**

# ЭЪЛОН

**Умумтаълим мактаблари, болалар мусиқа ва санъат мактабларига жиҳозлар харид қилиш бўйича тендер савдоларини ўтказиш Тендер комиссияси 2014 йилда умумтаълим мактаблари ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактабларига мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, спорт анжомлари, мусиқа чолғу асбоблари ва инвентарлар харид қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги "Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 456-сонли қарорига асосан, очиқ тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон қилади.**

Тендер савдолари очиқ турда ўтказилиб, умумтаълим мактаблари учун мебеллар, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, спорт анжомлари, мусиқа чолғу асбоблари ва инвентарларини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган ҳам хорижий фирмалар ва ташкилотлар, ҳам ватанимиз ишлаб чиқарувчилари (товар етказиб берувчилар) қатнашишлари мумкин.

Агарда тендер савдоларида мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари (ишларни бажарувчилар, хизматлар кўрсатувчилар) билан бир қаторда хорижий етказиб берувчилар қатнашса, мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари (ишларни бажарувчилар, хизматлар кўрсатувчилар) учун қонун ҳужжатларига мувофиқ 20 фоиз миқдорида нарх имтиёзлари қўлланилади.

Бунда кичик бизнес субъектларга тендер савдоларида иштирок этишда имтиёзлар татбиқ этилади.

Тендер савдоларида тендер ҳужжатлари талабларига жавоб берадиган юридик шахслар иштирок эта оладилар.

Тендер савдоларида қуйидаги юридик шахслар иштирок эта олмайдилар:

қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган;

малакали танлов учун барча зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;

Умумтаълим мактабларини, академик лицейларни, касб-ҳунар коллежларини ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармаси ҳисобидан тузилган контрактлар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни зарур даражада бажармаган ҳамда Республика Товар хомашё биржасининг ноҳалол етказиб берувчилар реестридаги етказиб берувчилар;

тендер эълон қилингунга қадар таъсис этилганига 6 ой бўлмаган;

Буюртмачи — Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари билан суд ёки ҳакамлик муҳокамасида иши кўриб чиқилаётган;

тижорат ва молия кўрсаткичлари бўйича тендер комиссиясининг талабларига жавоб бермайдиганлар;

бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар олдида 2014 йил 1 январь ҳолатига муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган ташкилотлар ва фирмалар.

Тендер савдосида қатнашмоқчи бўлган талабгорлар, уларнинг тендер таклифлари солинган конвертлар очилишидан олдин Тендер комиссияси томонидан ўтказиладиган малакали танлов(квалификационный отбор)-дан ўтади. Бунинг учун талабгорлар Тендер комиссиясининг Ишчи органига тендер таклифлари билан биргаликда алоҳида муҳрланган жилд(папка)да қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

2013 йил учун молиявий ҳисоботларнинг (бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботи) жойлардаги давлат солиқ органлари томонидан ўрнатилган тартибда (асл муҳри билан) тасдиқланган ёки рўйхатга олинган нусхаси;

ишлаб чиқариш, сақлаш ва иш фаолияти учун ўзининг биноси, дастгоҳлари (ёки камида 1 йилга ижарага олган ишлаб чиқариш биноси, цехлари ва дастгоҳлари) мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат(Кадастр маълумотномаси)нинг асли ёки ўрнатилган тартибда тасдиқланган нусхаси;

Давлат рўйхатига олувчи органдан талабгор тугатилиш ёки қайта ташкил этилиш жараёнида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

талабгорнинг юридик шахс, кичик бизнесга тааллуқли эканлиги тўғрисида давлат статистика органлари томонидан берилган маълумотнома;

талабгорнинг юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини ёки қайта рўйхатдан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

Давлат солиқ инспекциясидан талабгорнинг 2014 йил 1 январь ҳолатига бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалардан муддати ўтган қарздорлиги йўқлигини тасдиқловчи маълумотнома (солиштирма далолатнома билан бирга);

талабгорга хизмат кўрсатувчи банкдан талабгорнинг 2014 йил 1 январь ҳолатига асосий ва иккиламчи ҳисоб рақамлари, картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлигини тасдиқловчи тегишли маълумотнома;

талабгорнинг Ишчи органига тендер савдоларида қатнашиш учун таклиф этаётган маҳсулот намуна ва каталог(тегишли лотлар бўйича)ларини тақдим этганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси.

Малакали танловни ўтказиш муддати Тендер комиссияси томонидан белгиланади.

Тендер комиссиясининг топшириғига мувофиқ, Ишчи орган ёки Ишчи гуруҳи талабгорларнинг ишлаб чиқариш жойлари, ишлаб чиқариш қуввати, технологик ускуналари мавжудлиги ва тендер билан боғлиқ бошқа кўрсаткичларини (ижара шартномаси, ижара биноси, мебель ва жиҳозлар ишлаб чиқариш учун ўзининг ишлаб чиқариш биноси ва дастгоҳлари ёки ижарага олган ишлаб чиқариш биноси, цехлари ва дастгоҳлари мавжудлигини) ўрганиб чиқиш ҳуқуқига эга.

Тендер савдоси ғолиби бўлган корхона ва ташкилотлар маҳсулотларни — шартнома имзоланган кундан бошлаб 90 (тўқсон) кунда етказиб беришлари шарт.

Тендер савдолари тўғрисида қўшимча маълумот олиш учун Тендер комиссиясининг Ишчи органига эълон чиққан кундан бошлаб (шанба ва якшанбадан ташқари) тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги кунига қадар ҳар куни соат 10:00 дан 17:00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

**100159, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони — 5, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.**
**Тел: (8-371) 239-41-11, 239-19-58, 239-41-27, 293-13-35, 239-18-24,**
**Факс: (8-371) 239-89-58.**

**Харид қилинадиган маҳсулотларнинг энг юқори (максимал) нархлари:**

| № | Номланиши | Ўл. бир. | Энг юқори (максимал) нархи (сўм) |
|---|---|---|---|
| | **1—4-синф "Чет тиллари" хонаси учун ускуналар** | | |
| 1 | Компьютер техникаси (ноутбук) * | дона | 1 904 363 |
| 2 | Колонка * | дона | 27 834 |
| 3 | Симсиз сичқонча * | дона | 80 800 |
| 4 | Проектор * | дона | 1 682 500 |
| 5 | Маркерли доска * | дона | 121 250 |
| 6 | ТВ-тюнер * | дона | 60 500 |
| | **Физика лабораторияси учун ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари (72 номда)** | **тўплам** | |
| 1 | Физика кабинети учун электр жиҳозлар комплекти (КЭФ) | дона | 844 522 |
| | Лаборатория электр манбаи | дона | 192 358 |
| 2 | Архимед челаги | дона | 101 317 |
| 3 | Лаборатория электрон тарозиси | дона | 65 413 |
| 4 | Калориметр жисмлар тўплами билан | дона | 35 438 |
| 5 | Лаборатория индуктивлик ғалтаги | дона | 59 858 |
| 6 | Демонстрацион Томсон ғалтаги | дона | 55 455 |
| 7 | Бир қутбли ва икки қутбли переключателлар комплекти | дона | 29 826 |
| 8 | Улаш симлари комплекти: 50 см-2 дона, 30 см-5 дона, 15 см-3 дона | тўплам | 57 790 |
| 9 | Ўзгарувчан сиғимли конденсатор | дона | 62 377 |
| 10 | Турли қувватли чўғланма лампалар | тўплам | 13 956 |
| 11 | Тажриба (демонстрацион) масштаб чизиғи | дона | 15 502 |
| 12 | Тагликка ўрнатилган магнит стрелка | дона | 18 061 |
| 13 | Тўғри магнитлар (бир жуфт) | тўплам | 19 312 |
| 14 | Тақасимон магнитлар (бир жуфт) | тўплам | 15 393 |
| 15 | Электростатик маятник (2 дона) | тўплам | 8 959 |
| 16 | Лаборатория микроскопи | дона | 111 238 |
| 17 | Механика бўйича «Механика-1» тезкор лаборатория комплекти | тўплам | 165 839 |
| 18 | Электр ва магнит майдон спектрини намойиш қилиш учун модел | дона | 117 778 |
| 19 | Электродинамика бўйича мобил лаборатория комплекти «Электр-1» | тўплам | 269 223 |
| 20 | Мультиметр | дона | 20 000 |
| 21 | Тенг массали ва тенг ҳажмли брусоклар тўплами | тўплам | 35 528 |
| 22 | Капилляр найчаларнинг лаборатория тўплами | тўплам | 9 491 |
| 23 | Пропилендан қилинган ўлчов идишлари тўплами | тўплам | 23 374 |
| 24 | Кристалл панжаралар моделлари тўплами | набор | 47 778 |
| 25 | Турли қаршиликдаги тажрибалар кўрсатиш учун симлар тўплами | дона | 114 825 |
| 26 | Лаборатория резисторлари тўплами: 2 Ом — 2 дона, 4 Ом — 1 дона, 51 кОм — 1 дона | тўплам | 29 509 |
| 27 | Шиша таёқча | дона | 4 443 |
| 28 | Эбонит таёқча | дона | 7 037 |
| 29 | Иссиқликдан изоляцияланган керамик плита | дона | 4 462 |
| 30 | Юлдузли осмоннинг сурилма харитаси (проекцион) | дона | 14 080 |
| 31 | Магнит майдонида рамканинг айланишини намойиш қилувчи асбоб | дона | 67 761 |
| 32 | Ўтказгич қаршилигининг температурага боғлиқлигини намойиш қилиш учун асбоб | дона | 46 423 |
| 33 | Ленц қоидасини намойиш қилиш учун асбоб | дона | 41 744 |
| 34 | Суюқликнинг конвекциясини ўрганиш учун асбоб | дона | 25 750 |
| 35 | Ҳар хил қаттиқликдаги пружиналар тўплами | тўплам | 35 003 |
| 36 | Сурилма лаборатория реостати (6 Ом) | дона | 56 620 |
| 37 | Рақамли лаборатория секундомери | дона | 98 142 |
| 38 | Металл тўр (Кольбе) | дона | 32 033 |
| 39 | Туташ идишлар | дона | 13 176 |
| 40 | Лаборатория спектроскопи | дона | 132 142 |
| 41 | Электр султон (2 дона) | тўплам | 37 344 |
| 42 | Қуруқ ёнилғи (қуруқ спирт), ўрамида 100 г | уп. | 5 391 |
| 43 | Осон ҳаракатланувчи аравача (бир жуфт) | тўплам | 100 983 |
| 44 | Рандали кўрғошин цилиндрлар | тўплам | 77 489 |
| 45 | Ҳалқали шар | тўплам | 24 674 |
| 46 | Изоляцияловчи штативлар (бир жуфт) | тўплам | 52 324 |
| 47 | Ажратувчи лаборатория электромагнити, деталлари билан | дона | 38 462 |
| 48 | Электрофор машина | дона | 48 409 |
| 49 | Вакуумли насос | дона | 12 638 |
| 50 | Универсал штатив | дона | 133 970 |
| 51 | Трансформатор | дона | 198 451 |
| 52 | Психрометр | дона | 10 913 |
| 53 | Камертон (резина болғачаси билан) | дона | 60 288 |
| 54 | Гидравлик пресс (модель) | дона | 176 899 |
| 55 | Паскаль шари | дона | 34 086 |
| 56 | Ньютон трубкаси | дона | 18 802 |
| 57 | Электрометр ускуналари билан | дона | 97 565 |
| 58 | Рақамли лаборатория ўқув термометри | дона | 81 465 |
| 59 | Ички ёнув двигателининг проекцион модели | дона | 52 078 |
| 60 | «Оптика» тезкор лаборатория комплекти | тўплам | 452 726 |
| 61 | Телескоп | дона | 99 803 |
| 62 | Геометрик оптикага оид магнит тутқичли кўргазмалар тўплами | тўплам | 517 705 |
| 63 | Кўргазмали блоклар тўплами | тўплам | 102 450 |
| 64 | Биметалл пластина | дона | 21 592 |
| 65 | Лаборатория иссиқлик қабул қилувчи манометри билан | дона | 32 182 |
| 66 | Иссиқлик ўтказувчанлик тажрибаларини ўтказиш жиҳози | дона | 17 012 |
| 67 | Анероидли барометр | дона | 61 995 |
| 68 | Инерция тажрибалари учун ускуна | дона | 15 292 |
| 69 | Газлар қонунини ўрганувчи ускуна | дона | 10 853 |
| 70 | Вакуум тарелкаси қўнғироқли | дона | 79 837 |
| 71 | Кимёвий реактивлар | тўплам | 21 778 |
| 72 | Рус ва ўзбек тилида методик қўлланма | тўплам | 104 203 |
| | **Кимё лабораторияси учун ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари (42 номда)** | **тўплам** | |
| 1 | Кимё кабинети учун электр жиҳозлар комплекти (КЭХ) | дона | 844 521 |
| | Пробирка қиздирувчи | дона | 34 452 |
| 2 | Автомат микропипетка | дона | 46 366 |
| 3 | Цилиндр ареометрлар | тўплам | 24 348 |
| 4 | Электрон лаборатория тарозиси | дона | 65 413 |
| 5 | Дистилятор | дона | 46 161 |
| 6 | Электр колба қиздиргич | дона | 86 523 |
| 7 | «Нефть ва нефть маҳсулотлари» коллекцияси | дона | 121 064 |
| 8 | Кимёвий реактивлар тўплами | тўплам | 714 268 |
| 9 | Ўқувчиларнинг лаборатория ишлари учун шишадан қилинган асбоблар ва жиҳозлар тўплами | тўплам | 1 723 912 |
| 10 | Магнитли аралаштиргич | дона | 243 990 |
| 11 | Кристалл панжаралар моделлари тўплами | набор | 47 778 |

(Давоми 12-бетда.)

Ma'rifat
2014-yil 5-aprel, № 28 (8677)

(Давоми. Боши 11-бетда.)

| № | Номланиши | Ўл. бир. | Энг юқори (максимал) нархи (сўм) |
|---|---|---|---|
| 12 | Ўқитувчининг тажрибалари (демонстрацион) учун жиҳозлар комплекти | тўплам | 128 404 |
| 13 | Ўқувчиларнинг лаборатория ишлари учун кимёвий лаборатория идишлари тўплами | тўплам | 339 638 |
| 14 | Пропилендан қилинган кимё лаборатория ўлчов идишлари тўплами | тўплам | 75 194 |
| 15 | Иссиқдан изоляция қилинган керамик плита | дона | 4 462 |
| 16 | Массаларнинг сақланиш қонунини намойиш этувчи асбоб | дона | 12 206 |
| 17 | Электр токи билан ўтказиладиган тажрибалар учун асбоб | дона | 174 032 |
| 18 | Қуруқ ёнилғи (уротропин), ўрамида 100 г | уп. | 5 391 |
| 19 | Галоген ва галогенидлар синтези учун жиҳоз (прибор) | дона | 37 862 |
| 20 | Штатив универсал (кимё кабинети учун) | дона | 128 030 |
| 21 | Рақамли ўқув термометри | дона | 85 941 |
| 22 | Демонстрацион эвдиометр | дона | 55 024 |
| 23 | Кимёвий идишларни қуритиш тахтаси | дона | 81 666 |
| 24 | Кимёвий элементларнинг даврий системаси | дона | 78 242 |
| 25 | Универсал индикатор қоғоз (50 тасма) | короб. | 1 835 |
| 26 | Шишага чизадиган қалам | короб. | 3 552 |
| 27 | «Шиша ва уни ишлаб чиқариш учун хомашё» коллекцияси | дона | 54 077 |
| 28 | «Толалар» коллекцияси | дона | 49 697 |
| 29 | «Каучук» коллекцияси | дона | 35 489 |
| 30 | «Қотишмалар» коллекцияси | дона | 40 769 |
| 31 | Хавфсизлик техникасига оид плакатлар тўплами (5 дона) | тўплам | 17 893 |
| 32 | Ўқувчиларнинг лаборатория ишлари учун жиҳозлар тўплами | тўплам | 278 141 |
| 33 | Резина найчалар тўплами | тўплам | 23 891 |
| 34 | Молекулаларнинг моделларини тузиш учун атомларнинг шар стерженли моделлари тўплами | тўплам | 38 992 |
| 35 | Азот кислотасини синтез қилиш учун асбоб | дона | 46 686 |
| 36 | Аммиакни синтез қилувчи асбоб | дона | 48 089 |
| 37 | Сувни синтез қилиш учун тажриба (демонстрацион) асбоби | дона | 56 279 |
| 38 | Металларнинг кучланишлари қатори (деворий жадвал) | дона | 7 613 |
| 39 | Демонстрацион тахтада молекулаларнинг йиғма моделлари | тўплам | 148 329 |
| 40 | Органик шишадан ҳимоя экрани | дона | 34 383 |
| 41 | Кимёвий моддаларни сақловчи махсус шкаф | дона | 652 779 |
| 42 | Рус ва ўзбек тилида методик қўлланма | тўплам | 103 887 |
| | **Биология лабораторияси учун ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари (57 номда)** | **тўплам** | |
| 1 | «Одам нафас олиш системасининг тузилиши» барельеф модели | дона | 36 551 |
| 2 | «Одам эшитиш аъзосининг тузилиши» барельеф модели | дона | 25 079 |
| 3 | «Юракнинг тузилиши» барельеф модели | дона | 19 769 |
| 4 | «Чувалчангнинг ички тузилиши» барельеф модели | дона | 27 716 |
| 5 | «Қунғизнинг ички тузилиши» барельеф модели | дона | 23 763 |
| 6 | «Қуённинг ички тузилиши» барельеф модели | дона | 29 788 |
| 7 | «Қурбақанинг ички тузилиши» барельеф модели | дона | 18 493 |
| 8 | «Қушнинг ички тузилиши» барельеф модели | дона | 19 249 |
| 9 | «Балиқнинг ички тузилиши» барельеф модели | дона | 24 128 |
| 10 | «Итнинг ички тузилиши» барельеф модели | дона | 18 294 |
| 11 | «Терининг тузилиши» барельеф модели | дона | 42 682 |
| 12 | «Кўриш аъзосининг тузилиши» барельеф модели | дона | 41 775 |
| 13 | «Одам овқат ҳазм қилиш трактининг тузилиши» барельеф модели | дона | 29 926 |
| 14 | «Буйракнинг тузилиши» барельеф модели | дона | 21 686 |
| 15 | «Қуш тухумининг тузилиши» барельеф модели | дона | 21 156 |
| 16 | Электрон лаборатория тарозиси | дона | 65 413 |
| 17 | «Аскаридалар» намунавий препарати (урғочи ва эркак) | дона | 65 033 |
| 18 | «Қурбақанинг ички тузилиши» намунавий препарати | дона | 44 616 |
| 19 | «Балиқнинг ички тузилиши» намунавий препарати | дона | 48 829 |
| 20 | «Дарё қисқичбақаси» хўл препарати | дона | 46 451 |
| 21 | «Икки паллали моллюсканинг тузилиши» намунавий препарати | дона | 43 990 |
| 22 | «Қушнинг ички тузилиши» намунавий препарати | дона | 47 571 |
| 23 | «Дуккакли ўсимликларнинг туганакли илдизи» намунавий препарати | дона | 43 071 |
| 24 | Кимёвий идишларни қуритиш тахтаси | дона | 81 666 |
| 25 | «Қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандалари» коллекцияси | дона | 29 208 |
| 26 | «Минерал ўғитлар» коллекцияси | дона | 13 942 |
| 27 | «Қушларнинг патлари» коллекцияси (12 хил) | дона | 49 377 |
| 28 | «Ҳашаротлар вакиллари» коллекцияси | дона | 30 413 |
| 29 | «Ипак қуртининг ўсиши» коллекцияси | дона | 19 311 |
| 30 | «Моллюскалар чиғаноқлари» коллекцияси | дона | 35 850 |
| 31 | «Суякларнинг арралаб қирқилган бўлаклари» коллекцияси | дона | 27 112 |
| 32 | «Таянч ҳаракат системаси лат еганда ёрдам кўрсатиш» тўплами | тўплам | 40 380 |
| 33 | Генетикага оид магнит тутқичли аппликациялар тўплами | тўплам | 158 148 |
| 34 | Гербарийлар тўплами (10та тўп.) | тўплам | 135 256 |
| 35 | Биология фани бўйича лаборатория ишларини ўтказиш учун кимёвий реактивлар тўплами | тўплам | 76 257 |
| 36 | Лупа | дона | 3 430 |
| 37 | Лаборатория микроскопи | дона | 111 238 |
| 38 | Буғдой гулларининг модел муляжлари | дона | 24 367 |
| 39 | Олма гулларининг модел муляжлари | дона | 36 553 |
| 40 | ДНК модели | дона | 118 853 |
| 41 | Икки жинсли гул модели | дона | 29 828 |
| 42 | Бир жинсли гул модели | дона | 24 365 |
| 43 | Препарациялаш учун тўплам | набор | 101 411 |
| 44 | Лаборатория ва амалий ишлар учун уруғлар тўплами | набор | 36 767 |
| 45 | Сут эмизувчининг скелети бўйича тарқатма материаллар | дона | 35 251 |
| 46 | Қушнинг скелети бўйича тарқатма материаллар | дона | 37 092 |
| 47 | Секундомер | дона | 8 102 |
| 48 | Каптарнинг скелети | дона | 77 550 |
| 49 | Балиқнинг скелети | дона | 54 524 |
| 50 | Қуённинг скелети | дона | 103 826 |
| 51 | Қурбақанинг скелети | дона | 52 916 |
| 52 | Головин-Сивцев жадвали | дона | 14 066 |
| 53 | Рақамли ўқув термометри | дона | 85 941 |
| 54 | Микропрепаратлар тўплами | тўплам | 78 156 |
| 55 | Ўқитувчининг тажриба (демонстрация) учун лаборатория идишлари ва анжомлари тўплами | тўплам | 199 252 |
| 56 | Пропилендан қилинган ўлчов идишлари тўплами | тўплам | 20 700 |
| 57 | Рус ва ўзбек тилида методик қўлланма | тўплам | 103 887 |

| № | Номланиши | Ўл. бир. | Энг юқори (максимал) нархи (сўм) |
|---|---|---|---|
| | **Кимё ва биология лабораторияси учун ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари** | | |
| | ***Кимё ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари (41 номда)*** | ***тўплам*** | |
| 1 | Кимё кабинети учун электр жиҳозлар комплекти (КЭХ) | дона | 844 521 |
| | Пробирка қиздирувчи | шт. | 34 452 |
| 2 | Автомат микропипетка | дона | 46 366 |
| 3 | Цилиндр ареометрлар | тўплам | 24 348 |
| 4 | Электрон лаборатория тарозиси | дона | 65 413 |
| 5 | Дистилятор | дона | 46 161 |
| 6 | Электр колба қиздиргич | дона | 86 523 |
| 7 | «Нефть ва нефть маҳсулотлари» коллекцияси | дона | 121 064 |
| 8 | Кимёвий реактивлар тўплами | тўплам | 714 268 |
| 9 | Ўқувчиларнинг лаборатория ишлари учун шишадан қилинган асбоблар ва жиҳозлар тўплами | тўплам | 1 723 912 |
| 10 | Магнитли аралаштиргич | дона | 243 990 |
| 11 | Кристалл панжаралар моделлари тўплами | набор | 47 778 |
| 12 | Ўқитувчининг тажрибалари (демонстрацион) учун жиҳозлар комплекти | тўплам | 128 404 |
| 13 | Ўқувчиларнинг лаборатория ишлари учун кимёвий лаборатория идишлари тўплами | тўплам | 339 638 |
| 14 | Пропилендан қилинган кимё лаборатория ўлчов идишлари тўплами | тўплам | 75 194 |
| 15 | Иссиқдан изоляция қилинган керамик плита | дона | 4 462 |
| 16 | Массаларнинг сақланиш қонунини намойиш этувчи асбоб | дона | 12 206 |
| 17 | Электр токи билан ўтказиладиган тажрибалар учун асбоб | дона | 174 032 |
| 18 | Қуруқ ёнилғи (уротропин), ўрамида 100 г | уп. | 5 391 |
| 19 | Галоген ва галогенидлар синтези учун жиҳоз (прибор) | дона | 37 862 |
| 20 | Штатив универсал (кимё кабинети учун) | дона | 128 030 |
| 21 | Демонстрацион эвдиометр | дона | 55 024 |
| 22 | Кимёвий идишларни қуритиш тахтаси | дона | 81 666 |
| 23 | Кимёвий элементларнинг даврий системаси | дона | 78 242 |
| 24 | Универсал индикатор қоғоз (50 тасма) | короб. | 1 835 |
| 25 | Шишага чизадиган қалам | короб. | 3 552 |
| 26 | «Шиша ва уни ишлаб чиқариш учун хомашё» коллекцияси | дона | 54 077 |
| 27 | «Толалар» коллекцияси | дона | 49 697 |
| 28 | «Каучук» коллекцияси | дона | 35 489 |
| 29 | «Қотишмалар» коллекцияси | дона | 40 769 |
| 30 | Хавфсизлик техникасига оид плакатлар тўплами (5 дона) | тўплам | 17 893 |
| 31 | Ўқувчиларнинг лаборатория ишлари учун жиҳозлар тўплами | тўплам | 278 141 |
| 32 | Резина найчалар тўплами | тўплам | 23 891 |
| 33 | Молекулаларнинг моделларини тузиш учун атомларнинг шар стерженли моделлари тўплами | тўплам | 38 992 |
| 34 | Азот кислотасини синтез қилиш учун асбоб | дона | 46 686 |
| 35 | Аммиакни синтез қилувчи асбоб | дона | 48 089 |
| 36 | Сувни синтез қилиш учун тажриба (демонстрацион) асбоби | дона | 56 279 |
| 37 | Металларнинг кучланишлари қатори (деворий жадвал) | дона | 7 613 |
| 38 | Демонстрацион тахтада молекулаларнинг йиғма моделлари | тўплам | 148 329 |
| 39 | Органик шишадан ҳимоя экрани | дона | 34 383 |
| 40 | Кимёвий моддаларни сақловчи махсус шкаф | дона | 652 779 |
| 41 | Рус ва ўзбек тилида методик қўлланма | тўплам | 103 887 |
| | **Биология ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари (55 номда)** | **тўплам** | |
| 1 | «Одам нафас олиш системасининг тузилиши» барельеф модели | дона | 36 551 |
| 2 | «Одам эшитиш аъзосининг тузилиши» барельеф модели | дона | 25 079 |
| 3 | «Юракнинг тузилиши» барельеф модели | дона | 19 769 |
| 4 | «Чувалчангнинг ички тузилиши» барельеф модели | дона | 27 716 |
| 5 | «Қунғизнинг ички тузилиши» барельеф модели | дона | 23 763 |
| 6 | «Қуённинг ички тузилиши» барельеф модели | дона | 29 788 |
| 7 | «Қурбақанинг ички тузилиши» барельеф модели | дона | 18 493 |
| 8 | «Қушнинг ички тузилиши» барельеф модели | дона | 19 249 |
| 9 | «Балиқнинг ички тузилиши» барельеф модели | дона | 24 128 |
| 10 | «Итнинг ички тузилиши» барельеф модели | дона | 18 294 |
| 11 | «Терининг тузилиши» барельеф модели | дона | 42 682 |
| 12 | «Кўриш аъзосининг тузилиши» барельеф модели | дона | 41 775 |
| 13 | «Одам овқат ҳазм қилиш трактининг тузилиши» барельеф модели | дона | 29 926 |
| 14 | «Буйракнинг тузилиши» барельеф модели | дона | 21 686 |
| 15 | «Қуш тухумининг тузилиши» барельеф модели | дона | 21 156 |
| 16 | «Аскаридалар» намунавий препарати (урғочи ва эркак) | дона | 65 033 |
| 17 | «Қурбақанинг ички тузилиши» намунавий препарати | дона | 44 616 |
| 18 | «Балиқнинг ички тузилиши» намунавий препарати | дона | 48 829 |
| 19 | «Дарё қисқичбақаси» хўл препарати | дона | 46 451 |
| 20 | «Икки паллали моллюсканинг тузилиши» намунавий препарати | дона | 43 990 |
| 21 | «Қушнинг ички тузилиши» намунавий препарати | дона | 47 571 |
| 22 | «Дуккакли ўсимликларнинг туганакли илдизи» намунавий препарати | дона | 43 071 |
| 23 | «Қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандалари» коллекцияси | дона | 29 208 |
| 24 | «Минерал ўғитлар» коллекцияси | дона | 13 942 |
| 25 | «Қушларнинг патлари» коллекцияси (12 хил) | дона | 49 377 |
| 26 | «Ҳашаротлар вакиллари» коллекцияси | дона | 30 413 |
| 27 | «Ипак қуртининг ўсиши» коллекцияси | дона | 19 311 |
| 28 | «Моллюскалар чиғаноқлари» коллекцияси | дона | 35 850 |
| 29 | «Суякларнинг арралаб қирқилган бўлаклари» коллекцияси | дона | 27 112 |
| 30 | «Таянч ҳаракат системаси лат еганда ёрдам кўрсатиш» тўплами | тўплам | 40 380 |
| 31 | Генетикага оид магнит тутқичли аппликациялар тўплами | тўплам | 158 148 |
| 32 | Гербарийлар тўплами (10та тўп.) | тўплам | 135 256 |
| 33 | Биология фани бўйича лаборатория ишларини ўтказиш учун кимёвий реактивлар тўплами | тўплам | 76 257 |
| 34 | Лупа | дона | 3 430 |
| 35 | Лаборатория микроскопи | дона | 111 238 |
| 36 | Буғдой гулларининг модел муляжлари | дона | 24 367 |
| 37 | Олма гулларининг модел муляжлари | дона | 36 553 |
| 38 | ДНК модели | дона | 118 853 |
| 39 | Икки жинсли гул модели | дона | 29 828 |
| 40 | Бир жинсли гул модели | дона | 24 365 |
| 41 | Препарациялаш учун тўплам | набор | 101 411 |
| 42 | Лаборатория ва амалий ишлар учун уруғлар тўплами | набор | 36 767 |
| 43 | Сут эмизувчининг скелети бўйича тарқатма материаллар | дона | 35 251 |
| 44 | Қушнинг скелети бўйича тарқатма материаллар | дона | 37 092 |
| 45 | Секундомер | дона | 8 102 |
| 46 | Каптарнинг скелети | дона | 77 550 |
| 47 | Балиқнинг скелети | дона | 54 524 |

(Давоми 13-бетда.)

(Давоми. Боши 11-12-бетларда.)

| № | Номланиши | Ўл. бир. | Энг юқори (максимал) нархи (сўм) |
|---|---|---|---|
| 48 | Қуённинг скелети | дона | 103 826 |
| 49 | Қурбақанинг скелети | дона | 52 916 |
| 50 | Головин-Сивцев жадвали | дона | 14 066 |
| 51 | Рақамли ўқув термометри | дона | 85 941 |
| 52 | Микропрепаратлар тўплами | тўплам | 78 156 |
| 53 | Ўқитувчининг тажриба (демонстрация) учун лаборатория идишлари ва анжомлари тўплами | тўплам | 199 252 |
| 54 | Пропилендан қилинган ўлчов идишлари тўплами | тўплам | 20 700 |
| 55 | Рус ва ўзбек тилида методик қўлланма | тўплам | 103 887 |
| | **Спорт зали спорт инвентарлари (II қисм)** | | |
| 1 | Биринчи тиббий ёрдам қутичаси | тўплам | 46 010 |
| 2 | Баскетбол тўплари | дона | 37 450 |
| 3 | Волейбол тўплари | дона | 36 380 |
| 4 | Қўл тўпи ўйини учун тўплар | дона | 35 310 |
| 5 | Футбол тўплари | дона | 38 520 |
| 6 | Насос (тўпларни дамлаш учун) | дона | 19 260 |
| 7 | Секундомер | дона | 21 400 |
| 8 | Шахмат соатлари | дона | 112 350 |
| 9 | Шахмат ва шашка | дона | 58 850 |
| 10 | Стол тенниси учун шарчалар | дона | 1 065 |
| | **Тиббиёт хонаси** | | |
| 1 | Кўрик столи (кушетка) | дона | 141 240 |
| 2 | Ҳамшира учун стол (бир тумбали) | дона | 189 034 |
| 3 | Анжомлар учун стол | дона | 299 600 |
| 4 | Ярим юмшоқ стул | дона | 70 344 |
| 5 | Ширма | дона | 212 930 |
| 6 | Тиббиёт жавони | дона | 316 720 |
| 7 | Тиббиёт анжомлари (врачлик пункти ва тиш даволаш учун) | тўплам | 2 155 671 |
| | **Фаоллар зали учун мебеллар ва ускуналар** | | |
| 1 | Товуш кучайтиргич, колонкалар ва микрофон (стол усти таглиги билан) | тўплам | 1 078 560 |
| 2 | 3 ўринли кресло | тўплам | 192 119 |
| 3 | Президиум учун стол | дона | 211 218 |
| 4 | Минбар | дона | 95 498 |
| | **5—9-синф "Чет тиллари" ва "Ўқув компьютер" хоналари учун ускуналар** | | |
| 1 | Ўқувчи учун компьютер * | тўплам | 1 515 250 |
| 2 | Ўқитувчи учун компьютер принтери билан * | тўплам | 1 762 145 |
| 3 | Стабилизатор * | дона | 699 188 |
| 4 | Ўқувчи учун компьютер овозли дастури билан * | тўплам | 4 815 000 |
| | **Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг компьютер синфхоналари учун компьютер техникалари** | | |
| 1 | Ўқувчи учун компьютер * | тўплам | 1 515 250 |
| 2 | Ўқитувчи учун компьютер принтери билан * | тўплам | 1 762 145 |
| | **5—9-синф "Чет тиллари" ва "Ўқув компьютер" хоналари учун ускуналар совуткичлар** | | |
| 1 | Совуткич | дона | 1 756 545 |
| | **"Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" хонаси учун ускуналар** | | |
| 1 | Компьютер техникаси (овоз чиқаргич (колонкой) билан) | тўплам | 1 750 000 |
| 2 | Экран | тўплам | 173 340 |
| 3 | Проектор | дона | 2 091 315 |
| | **Умумтаълим мактаблари учун DVD плеер** | | |
| 1 | DVD-Плеер | дона | 160 500 |
| | **Ўқув кўргазмали-методик қўлланмалар (плакатлар)** | | |
| 1 | 1—4-синф хоналари учун | тўплам | 359 520 |
| 2 | Она тили ва адабиёт хонаси учун | тўплам | 185 378 |
| 3 | Математика хонаси учун | тўплам | 134 820 |
| 4 | Ижтимоий билимлар (тарих, Давлат ва ҳуқуқ асослари, иқтисодий билим асослари) хонаси учун | | |
| | *жумладан:* | | |
| | *«Конституциявий ҳуқуқ асослари" хонаси учун* | *тўплам* | *108 980* |
| | *"Иқтисодий билим асослари" хонаси учун* | *тўплам* | *48 311* |
| | *"Тарих" хонаси учун* | *тўплам* | *162 908* |
| 5 | Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари хонаси учун | тўплам | 73 028 |
| 6 | Рус тили ва адабиёти хонаси (таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактаблар) учун | тўплам | 195 489 |
| 7 | Физика лаборатория хонаси учун | тўплам | 138 191 |
| 8 | Кимё лаборатория хонаси учун | тўплам | 101 115 |
| 9 | Биология лаборатория хонаси учун | тўплам | 150 549 |
| 10 | Кимё ва биология лаборатория хонаси учун | тўплам | 235 935 |
| 11 | География хонаси учун | | |
| | *жумладан:* | | |
| *11.1.* | *Физик глобуслар* | *дона* | *35 310* |
| *11.2.* | *Сиёсий глобуслар* | *дона* | *35 310* |
| *11.3.* | *Сиёсий хариталар* | *дона* | *19 260* |
| *11.4.* | *Географик хариталар* | *дона* | *19 260* |
| | **Болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун Европа мусиқа чолғулари ва ускуналар** | | |
| 1 | Зарбли чолғулар тўплами ** | тўплам | 2 118 500 |
| 2 | Дамли чолғулар оркестри тўплами ** | тўплам | 39 880 000 |
| 3 | Аккордеон $^{3}/_{4}$ ** | дона | 2 500 000 |
| 4 | Аккордеон 4/4 ** | дона | 3 170 000 |
| 5 | Виолончель $^{1}/_{2}$ (камони билан) ** | дона | 3 680 000 |
| 6 | Виолончель $^{1}/_{4}$ ( камони билан) ** | дона | 3 680 000 |
| 7 | Гитара ** | дона | 350 000 |
| 8 | Овоз кучайтириш мосламаси 2 квт (катта зал учун коммутацияси билан) ** | тўплам | 16 175 000 |
| 9 | Метроном ** | дона | 176 000 |
| 10 | Синтезатор ** | дона | 593 000 |
| 11 | Дирижёр пульти ** | дона | 150 000 |
| 12 | Нота учун пульт ** | дона | 44 800 |
| 13 | Концерт рояли ** | дона | 60 730 000 |
| 14 | Кабинет рояли ** | дона | 48 750 000 |
| 15 | Пианино ** | дона | 11 430 000 |
| 16 | Саксофон (альт) ** | дона | 3 400 000 |
| 17 | Скрипка $^{1}/_{2}$ (камони билан) ** | дона | 1 415 000 |
| 18 | Скрипка 4/4 (камони билан) ** | дона | 2 210 000 |
| 19 | Скрипка $^{1}/_{4}$ (камони билан) ** | дона | 2 021 000 |
| 20 | Труба ** | дона | 1 257 000 |
| 21 | Блок-флейта ** | дона | 35 000 |
| 22 | Электр пианино ** | дона | 4 156 000 |
| 23 | Электрон нота доскаси ** | дона | 2 190 000 |
| 24 | Ксилофон 3 октавалик (пластмассали) ** | дона | 4 651 000 |
| 25 | Электр гитара (6 торлик) ** | дона | 1 605 000 |
| 26 | Бас гитара ** | дона | 1 235 000 |
| 27 | Фортепианони созлаш учун асбоблар тўплами ** | тўплам | 1 328 000 |
| | **Болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун махсус мебель ва инвентарлар** | | |
| 1 | Буфет пештахтаси | дона | 111 708 |
| 2 | Дирижёр учун мослама (подставка) | дона | 56 603 |
| 3 | Синф доскаси (бўрли) | дона | 150 068 |
| 4 | Китоблар учун жавон-стеллаж (бирга қўшилган) | дона | 270 175 |
| 5 | Юмшоқ жиҳоз (мебель) | тўплам | 2 022 300 |
| 6 | Нота доскаси (бўрли) | дона | 125 939 |
| 7 | Спорт ўриндиқлари 7 ўқувчига | дона | 157 718 |
| 8 | Буфет учун махсус иш столи | дона | 156 220 |
| 9 | Бир тумбали стол | дона | 119 945 |
| 10 | Ўқитувчи учун компьютер столи | дона | 180 408 |
| 11 | Ўқувчи учун компьютер столи (стол-1, стул-1) | тўплам | 177 025 |
| 12 | Бичиш столи | дона | 169 381 |
| 13 | Ўқувчилар учун стол (бир ўринли) | дона | 99 724 |
| 14 | Мусиқий марказ учун стол | дона | 77 575 |
| 15 | Ускуналар сақлаш учун жавон | дона | 332 556 |
| 16 | Жавон (қўлланмаларни сақлаш учун) | дона | 376 533 |
| 17 | Жавон (синф журналлари учун) | дона | 252 113 |
| 18 | Жавон (ўқувчилар шахсий ҳужжатлари учун) | дона | 256 372 |
| 19 | Жавон (аппаратураларни сақлаш учун) | дона | 304 129 |
| 20 | Костюмларни бичиш ва таъмирлаш учун стол | дона | 169 381 |
| 21 | Мажлислар столи | дона | 380 492 |
| 22 | Овозкучайтиргич ва бошқарув пульти учун стол | дона | 292 110 |
| 23 | Натура учун стол (1 дона кичик ва 1 дона катта) | тўплам | 233 688 |
| 24 | Нота адабиёти ва китоблар учун икки томонлама стеллаж | дона | 268 998 |
| 25 | Бир томонлама стеллаж (кўргазма ва услубий жамғармасини сақлаш учун) | дона | 214 000 |
| 26 | Телевизор учун таглик (телевизор учун тумба) | дона | 98 226 |
| 27 | Либос, пойафзаллар, бош кийимлар ва бошқаларни сақлаш учун жавон | дона | 910 784 |
| 28 | Тошойна 65х90 | дона | 185 378 |
| 29 | Кийим жавони (купе) | дона | 188 213 |
| 30 | Жавон-стеллажлар | дона | 270 175 |
| 31 | Деворий ойна | дона | 202 230 |
| 32 | Офис учун жиҳоз | тўплам | 1 017 294 |
| 33 | Бемор учун кушетка | дона | 148 302 |
| 34 | Ҳамшира учун стол | дона | 198 485 |
| 35 | Пойафзал жавони | дона | 235 935 |
| | **Болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун металл асбоб-ускуналар** | | |
| 1 | Ёғочга ишлов берувчи токарлик станоги | дона | 2 899 050 |
| 2 | Арралаш станоги (столга қўйиладиган) | дона | 873 600 |
| 3 | Ёғочли верстак (тискаси билан) | тўплам | 262 605 |
| 4 | Электр дрел | дона | 95 587 |
| 5 | Чархлаш станоги | дона | 281 138 |
| 6 | Металлга ишлов берувчи ҳар хил диаметрдаги сверло | тўплам | 3 149 |
| 7 | Токарлик станоги учун мосламалар | тўплам | 91 980 |
| 8 | Эгов станоги учун тиска | дона | 68 250 |
| 9 | Столга ўрнатиладиган тиска (исканжа) | дона | 56 595 |
| 10 | Дори-дармонларни сақлаш жавони | дона | 414 015 |
| 11 | Сейф | дона | 557 970 |
| | **Болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун мусиқий марказ** | | |
| 1 | Мусиқий марказ | дона | 1 473 026 |
| | **Болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун ёритиш ускуналари** | | |
| 1 | Қиздириш учун прожектор | дона | 188 748 |
| 2 | Турли хилдаги прожекторлар | тўплам | 268 784 |
| 3 | Саҳна софитлари | дона | 353 849 |
| 4 | Стол лампаси | дона | 40 660 |
| | **Болалар масиқа ва санъат мактаблари учун тикув машина** | | |
| 1 | Маиший тумбали тикув машинаси | дона | 943 740 |
| | **Болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун маиший ускуналар** | | |
| 1 | Электр дазмоли | дона | 162 667 |
| 2 | Дазмоллаш учун доска | дона | 86 242 |

Изоҳ:* — мазкур маҳсулотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 23 майдаги ПҚ-1971-сонли қарорига мувофиқ божхона тўловларидан озод этилади;

** — мазкур маҳсулотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги ПҚ-910-сонли қарорига мувофиқ божхона тўловларидан озод этилади.

Шунингдек, харид қилинаётган маҳсулотларнинг энг юқори нархлари ҳақидаги қўшимча маълумотларни Халқ таълими вазирлигининг **uzedu.uz** электрон сайтидан олиш мумкин.

Тендер ҳужжатлари пакетини сотиб олиш истагида бўлган талабгорлар Ишчи органининг Молия вазирлиги ғазначилигида очилган қуйидаги махсус ҳисоб рақамига 2 500 000 (икки миллион беш юз минг) сўм миқдорида қайтариб берилмайдиган тўловни амалга оширишлари шарт:

Халқ таълими вазирлигининг банк реквизитлари:

Молия вазирлиги ғазначилиги, ҳ/р.: 23 402 000 300 100 001 010, ХККМ Марказий банк Бош бошқармаси, МФО: 00014, ИНН: 201 122 919, ш/ҳр: 401 410 860 262 667 950 100 075 001, ИНН: 201 122 808, ОКОНХ: 97300.

Тендер таклифи умумий қийматининг 1 (бир) фоизи миқдордаги закалат пули билан таклиф кафолатланиши шарт. Закалат суммаси ҳар бир лот учун алоҳида тўлов топшириқномасида кўрсатилган ҳолда Ишчи органининг Молия вазирлиги ғазначилигида очилган, қуйида келтирилган махсус ҳисоб рақамига ўтказилиши шарт:

Молия вазирлиги ғазначилиги, ҳ/р.: 23 402 000 300 100 001 010, ХККМ Марказий банк Бош бошқармаси, МФО: 00014, ИНН: 201 122 919, ш/ҳр: 401 410 860 262 667 950 100 075 002, ИНН: 201 122 808, ОКОНХ: 97300.

Юқорида кўрсатилган закалат суммаси билан бириктирилмаган тендер таклифлари Тендер комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Тендер таклифлари Тендер комиссиянинг Ишчи органига (хафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари) юқорида кўрсатилган манзил бўйича **2014 йил 2 май куни** соат 17:00 дан кечикмасдан тақдим этилиши лозим.

Тендер таклифлари солинган конвертларнинг очилиши Тендер комиссияси томонидан амалга оширилади.

Мазкур эълон жорий йилнинг 2 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг **www.uzedu.uz** сайтида берилган.




## 45 ЁШ — РИВОЖЛАНИШ ЧЕГАРАСИ

***Британиялик мутахассислар фикрича, инсон ақлий ривожланишининг чегараси мавжуд.***

Олимларнинг ўн йилдан ортиқ муддатда олиб борган изланиши натижасида маълум бўлдики, 45 ёш атрофида хотира билан боғлиқ муаммолар пайдо бўла бошлайди. Етти мингга яқин кўнгилли аёл ва эркак жалб этилган изланиш хулосаларига кўра, инсон айни шу ёшдан бошлаб табиий равишда паришонхотирлик, ақлий салоҳият, кўриш қобилияти билан боғлиқ муаммоларга учраши эҳтимоли ортиб борар экан.




Мутахассисларнинг кузатувлари ушбу аломатларнинг йилдан-йилга кўпайиб боришини тасдиқламоқда. Тажрибаларда яна бир қизиқ ҳолатга дуч келинди: кишиларнинг ақлий салоҳияти кўзларининг рангига ҳам боғлиқ экан...

## ТУТҚИЧЛАР ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙДИ

***Британиядаги "Altitude Medical" компанияси мутахассислари кафтлардаги юқумли касалликларга сабаб бўлувчи вирусларни зарарсизлантирувчи эшик тутқичларини кашф қилишди. "DNA India" нашрининг маълум қилишича, бу каби тутқичлардан турли юқумли касалликларнинг тарқалиш хавфини камайтириш мақсадида шифохоналарда ҳам, хонадонларда ҳам фойдаланиш мумкин.***

Кашфиётнинг ишлаш тамойили жуда оддий: эшикни очиш мақсадида тутқични тортганда унинг пастки қисмидан кафтга маълум миқдорда дезинфекция воситаси чиқарилади. "PullClean" деб номланган янги намунадаги тутқичлар барча турдаги эшикларга мос тушади.

Мазкур кашфиёт дунё миқёсида касалликлар тарқалиши ҳолатига сезиларли ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Сабаби, олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, эшик тутқичлари ҳам микроб ва вируслар тарқалишининг асосий манбаларидан бири саналади.



Тутқичлардаги дезинфекцияловчи восита тугаган тақдирда, уни қайта тўлдириш мумкин. Бу каби воситалар захираси тутқич жамланмасидаги онлайн-иловага алоқадор бўлган ички сенсор қурилма билан биргаликда тақдим этилади. Мазкур илова эшикларнинг очилиб-ёпилишига қараб шифохонага ташриф буюрувчилар, қайси бўлимга мурожаат қилувчилар сонининг ортаётганини кузатиб боришга ҳам кўмак беради.

## ПАРҲЕЗ УЧУН ЭНГ МАҚБУЛ СОАТЛАР БЕЛГИЛАНДИ

***Ўтказилган бир қатор изланишлардан сўнг ортиқча вазндан халос бўлиш учун нафақат парҳез, балки вақт тартибига ҳам қатъий риоя этиш лозимлиги маълум бўлди. Мазкур маълумот 1000 нафар парҳез қилаётганларни кузатиш асносида ўз тасдиғини топди.***

Озишда энг муҳим жараён қанча таом истеъмол қилинаётгани билан бир қаторда, бунинг қайси пайтда амалга оширилаётганига ҳам чамбарчас боғлиқ. Бу борада мутахассислар қуйидаги тартибни тавсия қилишмоқда: нонушта учун энг мақбул вақт — 7:11, тушлик — 12:38, кечки овқат вақти — 18:14. Кеч уйғонувчилар эса имкон қадар ёғсиз ва кам калорияли таомларни истеъмол қилиши мақсадга мувофиқ.



Шуни унутмаслик лозимки, нонуштага кунлик таомларнинг энг асосийларини киритиш зарур. Инсон нонушта қилмас экан, эртами-кеч саломатлик билан боғлиқ муаммога дуч келиши аниқлиги алоҳида таъкидланган.

## «АҚЛЛИ УЙ» ЭНЕРГИЯ БИЛАН ТАЪМИНЛАЙДИ

***«Honda» автомобиль ва мотоцикллар ишлаб чиқарувчи компания сифатида кўпчиликка маълум. Ушбу япон компанияси фақатгина атроф-муҳитни ифлослантирувчи бундай транспорт воситаларини ишлаб чиқаришга асосий эътибор қаратмоқчи эмас.***

Бундан бир неча кун муқаддам компания мутахассислари "Honda Smart Home US" деб номланган ақлли уй лойиҳасини тақдим этди. Унинг ўзига хос жиҳати шундаки, уй ўзи учун зарур бўлган электр энергиясидан ортиқроқ миқдордаги қувватни ишлаб чиқара олади.



Уйнинг том қисми тўлиқ Қуёш батареялари билан қопланган бўлиб, улар йилига 15,9 мегаватт-соат ҳажмдаги энергия ишлаб чиқаради. Уйдаги энергияга бўлган талаб эса йилига 13,3 мегаватт-соатни ташкил этади. Ортиқча электр қуввати бошқа мақсадларга, масалан, марказий энергия таъминоти тармоғига йўналтирилиши мумкин. Шунингдек, автомобилсозликка ихтисослашган "Honda" ортиқча энергияни электромобилларни қувватлаш учун сарфлаш мумкинлигини маълум қилмоқда. Компания мутахассисларининг сўзларига кўра, мазкур энергия "Honda Fit EV" электромобилини мунтазам равишда қувватлаб туриш учун етарли.

Электр энергияси ишлаб чиқарилишидан ташқари, компания ақлли уй лойиҳасида энергия тежамкорлигига ҳам алоҳида эътибор қаратган. Бунинг учун уйга кам қувват талаб қилувчи ускуналар ва энергия истеъмолини назорат қилувчи интеллектуал тизим ўрнатилган.

Шу билан бир қаторда, хонадонга кам энергия талаб этувчи диодли ёриткичлар ўрнатилган. Бинонинг олд қисми эса ҳарорат ўтказмайдиган қурилиш ашёлари, жумладан, иссиқликни узоқ вақт ушлаб турувчи ойналардан қурилган.

Айтиш жоизки, мазкур лойиҳа япон компанияси томонидан ишлаб чиқилган дастлабки ақлли уй ҳисобланади. Бироқ "Honda" вакилларининг сўзларига кўра, ақлли, энергия тежовчи уйлар келгусида янада такомиллаштирилиши режалаштирилган.

**Санжар РУСТАМОВ, Зиёда ОРТИҚОВА тайёрлади.**

# ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИШ ЗАРУР

***Шаҳар кўчаларини сайр қилган ҳар бир киши олиб борилаётган кенг кўламдаги қурилиш, ободонлаштириш ишларига гувоҳ бўлади. Уларни барпо этишдек масъулиятли ишни амалга ошираётган қурувчилар объектларни лойиҳалаш давридан то қуриб битказилгунга қадар барча техник ва хавфсизлик қоидаларига амал қилган ҳолда фаолият олиб бориши зарур.***

Афсуски, тушунтириш ишлари олиб борилаётганига қарамай, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилинмаётган ҳолатлар ҳам тез-тез учраб турибди. Хусусан, янги қурилиш масканларидаги ишчиларнинг вақтинчалик яшаш жойларида қўлбола электр иситгичлари ва газ мосламаларидан фойдаланиши натижасида ёнғинлар келиб чиқаётганлиги аниқланди. Мазкур ҳолатлар юзасидан ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан тезкор тадбирлар ўтказилиб, аниқланган камчилик ва муаммолар юзасидан қурилиш трестлари раҳбарларига, ҳокимлик ва юқори ташкилотларга ахборотномалар тақдим этилди.

Бу каби ишларга лоқайдлик билан қараётган айрим мутасадди раҳбарлар кўплаб нохуш ҳолатларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлиб қолишмоқда. Таъкидлаб ўтиш керакки, қурилиш майдонлари ва вақтинчалик тураржой вагонларидаги қурилиш ходимлари ўз вазифаларига сидқидилдан ёндашсалар, ён-атрофдаги инсонлар ҳамда ўзларининг хотиржамликларини таъминлаган бўладилар.

**М.НОСИРОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ МТЭБ муҳандиси, кичик сержант**

## JUMLADA JAHON
### yangiliklari ✿ xabarlari

**Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ЮНИСЕФ болалар жамғармаси маълумотларига кўра, Грецияда кузатилаётган иқтисодий инқироз, ижтимоий харажатларнинг қисқартирилиши, тиббий хизматнинг қониқарсиз аҳволдалиги ҳамда ота-оналарнинг ишсизлиги сингари омиллар туфайли мамлакатда 686 минг нафардан зиёд боланинг қашшоқликдан азият чекаётганига қарамай, ҳукумат томонидан бирор ижобий ҳаракат амалга оширилгани йўқ.**

Оммавий ахборот воситалари маълумотларига кўра, Чили қирғоқларида содир бўлган кетма-кет уч бор ер силкинишининг охиргиси Икике шаҳридан 19 километр жанубда юзага келган ва рихтер шкаласи бўйича 8,2 баллик натижа қайд этилган, табиий офатдан 6 киши ҳалок бўлган, 2600дан зиёд уйлар вайронага айланган, бир миллионга яқин аҳоли хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилинган, шунингдек, қирғоқ ҳудудларида жойлашган барча мактаблар фаолияти тўхтатилган.

**Перу пойтахти Лима шаҳридаги олтита мактабда номаълум заҳарли газнинг сизиб чиқиши оқибатида 90 нафарга яқин бошланғич синф ўқувчиларида газдан зарарланиш қайд этилиб, кучли чанқоқ, қорин оғриғи ва бошқа аломатлар кузатилгани ҳақида мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан маълум қилинган.**

АҚШнинг Форт-Худ ҳарбий базасида собиқ Ироқ жанги қатнашчиси, оддий аскар Айвен Лопез томонидан уюштирилган отишма оқибатида уч нафар ҳарбий ҳалок бўлган, 16 нафари жароҳатланган, жиноятчи эса воқеа жойида ўз жонига қасд қилган, ҳодиса сабаблари ўрганилмоқда.

**CNN телеканали томонидан Миср пойтахтидаги Қоҳира университетининг муҳандислик факультети яқинида икки соат ичида кетма-кет уч маротаба содир этилган портлашдан бир кишининг ҳалок бўлгани, олти киши жароҳатлангани, шунингдек, тўртинчи портловчи модданинг зарарсизлантирилгани маълум қилинган.**

"Herald Sun" нашрининг хабарига кўра, Австралиянинг Аделаида шаҳри аэропортида мамлакатдаги "Qantas" авиакомпаниясига тегишли, бортида 253 йўловчи бўлган "Airbus A330" самолёти салонида келиб чиққан тутун сабабли фавқулодда қўниш амалга оширилган, ҳодисадан ҳеч ким жабр кўрмаган.

# ҲАР БИР ЎҚУВЧИ СПОРТГА ОШНО

## бунда уларга ўқитувчилар кўмакчи

***Баҳорда болалар майдончалари ва ўйингоҳлар ўқувчилар билан янада гавжумлашади. Жиззах шаҳридаги 10-мактабда ҳам спорт мусобақалари авжида. Халқ таълими вазирлигининг 2013 йил 24 сентябрдаги «Халқ таълими вазирлиги тизимидаги таълим муассасаларида «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тест синовлари топширилишининг ташкил этилишини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғига биноан шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тизимидаги таълим муассасаларида махсус тест синовларининг 2-босқичи 6—9-синф ўқувчилари, ўқитувчи-мураббийлар ва ходимлар ўртасида қизғин давом этмоқда.***



Вилоят халқ таълими муассасаларида кўплаб спорт турлари бўйича тўгараклар ташкил этилган. 1100 нафардан зиёд ўқувчи таълим-тарбия олаётган ушбу мактабда ўғил-қизларни тўгаракларга жалб этиш учун яхши тажриба қўлланилди.



— Бугунги кунда 615 нафар ўқувчи тўгаракларнинг мунтазам қатнашчиси, — дейди мактаб директори Тўлқин Юнусов. — Қолган ўқувчиларнинг ҳам спорт билан доимий шуғулланиши учун режа тузиб чиқдик. Унга кўра мактабимизда ишлаётган 66 ўқитувчининг барчаси ўз имкониятидан келиб чиқиб 5-6 нафар ўқувчи билан спортнинг маълум бир тури бўйича машғулот ўтказади. Ўзим шахматга меҳр қўйган 6 нафар ўғил-қиз билан дарсдан бўш вақтларда машғулот олиб бораяпман.

Мактаб спорт зали ва майдончаларидан эртадан кечгача спортчи ўқувчилар аримайди. Директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Анора Муродова ҳам дарсдан бўш вақтлари юқоридаги режа асосида волейболчи қизлар билан машғулот ўтказади. Мактаб қизларининг волейбол мусобақаларида шаҳар миқёсида ғолибликни қўлдан бермай келаётгани ҳам ана шу машғулотлар самараси. Нодирабегим Аҳмедова, Махмура Бахтиёрова, Нозима Акрамова каби волейболчи қизлар билан мактаб жамоаси ҳақли равишда фахрланади.

Меҳнат фани ўқитувчиси Холида Абсаматова ва чим устида хоккей ишқибози. Шу боис муаллима ушбу спорт турига қизиққан қизларни машғулотларга жалб этди. Чим устида хоккей бир вақтлар Жиззах вилоятида анча оммалашган. Мактаб қизлари ана шу спорт турини қайта тиклашга аҳд қилишган. Ўқитувчи-мураббийларнинг саъй-ҳаракати туфайли спорт билан шуғулланаётган ёшлар сафи кундан кунга кенгаймоқда. Ўқувчиларнинг спортга меҳри жисмоний тарбия дарсларида янада оширилмоқда. «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиби, жонкуяр жисмоний тарбия ўқитувчиси Асилжон Аҳмаджонов таълим муассасасидан иқтидорли спортчи ёшлар етишиб

**Bolalar sporti**

чиқишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Таълим муассасида «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тест синовларининг 1-босқичи ҳам кўтаринки руҳда ўтказилган эди. Эндиликда ўғил-қизлар мураббийлар кўмагида турли масофаларга югуриш, узунликка ва баландликка сакраш бўйича меъёрий талабларни бажариб, яхши натижаларни қайд этишмоқда.

— 60, 100 метрга югуриш бўйича меъёрий талабларни бажардим, — дейди 7-синф ўқувчиси Ўғилой Маматқосимова. — Бундай мусобақалар спорт билан мунтазам шуғулланишимиз, машғулотларга катта қизиқиш билан қатнашимизга, энг асосийси, жисмоний чиниқиб бошқа фанларни ҳам яхши ўзлаштиришимизга ёрдам бермоқда. Мен бир неча йилдан бери бадиий гимнастика тўгарагига қатнаб, ушбу нафосатли спорт тури билан мунтазам шуғулланиб келмоқдаман.



Шуни ҳам айтиш керакки, мактаб спорт залида ҳудуддаги маҳалла ёшлари ҳам мунтазам машғулотларда иштирок этишмоқда. Мактаб — оила — маҳалла ҳамкорлигида «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» беллашувини ўтказиш йўлга қўйилган.

Соғлом бола йилида ўғил-қизларни жисмонан соғлом, маънан етук, юксак билимли ва интеллектуал салоҳиятли қилиб тарбиялаш энг устувор вазифалардан бири. Мазкур таълим масканида олиб борилаётган ишлар айни шу мақсадларга йўналтирилган.

**Абдусаттор СОДИҚОВ**
**«Ma'rifat» мухбири**

*Суратларда: Жиззах шаҳридаги 10-мактаб спорт тўгаракларидан лавҳалар акс этган.*

**Ботирали ҚУДРАТОВ олган суратлар.**




**Бугун Наманган шаҳри аҳолиси улкан спорт байрами — «Баркамол авлод-2014» мусобақаси иштиёқида яшаяпти, десак муболаға бўлмайди. Айниқса, спорт беллашувлари бўлиб ўтадиган иншоотларда қизғин тараддуд ва кўтаринки кайфият ҳукмрон.**

Кўплаб республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларга мезбонлик қилиб келаётган Наманган теннис кортида эса сўнгги тайёргарлик ишлари — ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш юмушлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

# ТЕННИС КОРТЛАРИ МУСОБАҚАГА ШАЙ

Ўтган вақт мобайнида ушбу спорт мажмуасида олиб борилган мукаммал қурилиш-таъмирлаш ишлари натижасида кортнинг ташқи қиёфаси ўзгариб янада кўркамлашди, «Баркамол авлод-2014» спорт ўйинлари иштирокчилари учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Мавжуд саккизта очиқ ва ёпиқ теннис майдонлари, ички зал ва иккита катта кортда ниҳоясига етказилган бунёдкорликлар боис айни пайтда улар халқаро андозаларга жавоб берадиган ҳолатга келтирилди.

Яқин кунлар ичида ёш спортчилар бунга ўз кўзлари билан кўриб амин бўлишса, ажаб эмас. Мазкур спорт мажмуасида юртимизнинг барча вилоятларидан келган касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейлар ўқувчи-спортчилари ўз омадини синаб кўришади.

**Ғанишер АКБАРОВ**

*Наманган вилояти*

**2014-yil — Sog'lom bola yili**

# СПЕЛОЛОГИЯ — МАРОҚЛИ САЁҲАТ

Самарқанд туманидаги Оҳалик тоғ ёнбағирлари бетакрор ҳусну таровати билан барчани ўзига мафтун этади. Айниқса, баҳорда бу қишлоқнинг табиат манзаралари тамоман ўзгача бўлиб, ҳавосидан нафас олган кишининг танаси яйрайди.

«Баркамол авлод» республика болалар ўлкашунослик ва экология маркази томонидан илк бор ўтказилган «Суғдиёна—2014» турниадасининг 130 нафар иштирокчиси бу манзилга бориб, худди шундай ҳиссиётга ошно бўлгани аниқ. Ёш саёҳатчиларни ўша ҳудудда жойлашган 32-умумтаълим мактаби педагогик жамоаси илиқ қарши олиб, уларнинг Оҳалик, Оқтош тоғ ёнбағирларида пиёда, велосипед ва отда сайр қилишлари учун шароит яратиб бердилар. Отга миниб кўрмаган бола учун бу жониворда юришнинг гаштини тасаввур қилиш қийин эмас. Ёки велосипедда нотаниш жойни айланиш қайси бола учун қизиқарли машғулот эмас?

—25—30 март кунлари уюштирилган бу саёҳатга 12 ёшдан катта ўқувчилар туман ва вилоят доирасида саралаб олингач, уларни Самарқанд шаҳрига олиб бордик. «Баркамол авлод» болалар марказлари таркибидаги ўлкашунослик ва сайёҳликка йўналтирилган тўгарак аъзолари учун бу тадбир эсда қоларли бўлди. Спелеология, яъни тоғ шароитида чўққиларни забт этишга ҳар бир бола қизиқишини, бу эса уларда сабр-тоқат, иродани тоблаши мумкинлигини ҳисобга олиб, уни турлича усулларда ташкил қилдик. Оҳалик тоғидан Оқтош қишлоғигача бўлган 20 км.лик масофани пиёда босиб ўтиш жараёнида ўқувчиларнинг бир-бири билан дўстлашгани, қийин вазиятда бир-бирига кўмаклашгани, энг муҳими эса, ўлкашуносликка оид қизиқарли маълумотлар тўплаганини кузатдик. Худди шундай тадбирни жорий йилнинг май ойида ҳам ташкил этмоқчимиз, — дейди марказ директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Хайриддин Бойиров.

**Хулкар ТЎЙМАНОВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

# БОЛАЛАР ИСТЕЪДОДИ НАМОЁН БЎЛМОҚДА



*“Баркамол авлод” Республика болалар техник ижодиёт марказида олиб борилаётган машғулотлар ёш авлоднинг ижодкорлик, яратувчанлик қобилиятини ўстиришга кўмаклашмоқда.*

Бугунги кунда 316 нафар ўқувчи турли касб-ҳунар сирларини пухта ўрганаётган ушбу марказга пойтахтимиздаги бир қатор мактаблар ўқувчилари ҳамда 22-, 24-Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари жалб қилинган. Уларнинг билимини чуқурлаштириш, бўш вақтини мазмунли ўтказишга йўналтирилган 24 йўналишдаги “Бошланғич техник моделлаштириш”, “Автомодель”, “Робототехника”, “Авиамодель”, “Кемасозлик”, “Дурадгорлик”, “Кулолчилик”, “Ёш мусаввир”, “Ёш видеоҳаваскор”, “Тўқиш”, “Тикиш-бичиш”, “Либослар дизайни”, “Карвинг”, “Ёш журналист ва нотиқ”, “Оила ва саломатлик”, шунингдек, қўшиқ ва рақс, фольклор тўгараклари фаолияти намунали йўлга қўйилган. Бунинг самараси юртимиз бўйлаб ўқувчилар ўртасида ўтказилаётган “Йилнинг энг яхши ихтирочиси”, “Катапульта ёрдамида учувчи самолёт моделлари”, “Хонада учувчи самолёт моделлари”, “Варраклар сайли” сингари кўрик-танлов ҳамда мусобақаларда кўзга ташланмоқда.





— Ютуқлар омили илғор, замонавий педагогик технологиялар асосида такомиллашган ва бойитилган қўлланма, дастур, тавсияларнинг таълим жараёнига татбиқ этилиши билан боғлиқ, — дейди марказнинг ўқув-чиларни ижодий камол топтириш гуруҳи раҳбари Саодат Пиримқулова. — Бундай ўқув адабиётларининг 20 дан ортиғи жорий ўқув йилида ҳам жойлардаги болалар техник ижодиёт марказларига етказиб берилди. Ушбу адабиётларда болаларга техник моделларнинг ясалиш жараёни, тартиблари батафсил берилган. Эндиликда янги лойиҳа — таълим жараёнига янги дастурлар билан таъминланган замонавий компьютер технологияларини жорий этиш ниятидамиз. Бунда болажонлар ўзлари ясаётган самолёт, автомобиль, робот ва бошқа буюмлар чизмасини компьютер орқали амалга оширадилар. Бу эса улардаги қобилиятни янада ривожлантириш имконини бермоқда.

**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.**



Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

*O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy kengashi.*

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Farhod RIZAYEV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, “Учитель Узбекистана”), Mirzakarim XUDDIYEV, Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, “Учитель Узбекистана”), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416

9 772010 641009

INDEKS: 149, 150. Г-426.
Tiraji 57909.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

*«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.*

*Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.*

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 233-53-14, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 233-56-45, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 233-54-49, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 233-54-63, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 233-76-40, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

Navbatchi muharrir:
Qurbonboy MATQURBONOV.

Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

*«Sharq» nashriyot-matbaa aksiadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.*

Korxona manzili:
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

1 2 4 5

ЎзА якуни — 20.45
Topshirildi — 21.15